

QILA DAVRASIDA

№ 3 (349)
2019 - yil
24-yanvar
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiga boshlagan.



**ХОРИЖДА
ҮҚИШ**
харажатини
«Эл-юрт...» кўтаради

6-бет



**БОҒЧАГА
ОЛМАЯПТИ?**

Икки ёшли фарзанди
бор оналар дарди

5-бет

АЖРАШИШДА

қайси
вилоят
етакчи?



3-бет



Тўйдан қолмас
ОҚСОҚОЛЛАР

4-бет

МТМда
пулли хизматлар

6-бет

ТОБЛАНИШ
Сабоқ

8-бет

Қайнота-келин бир хонада ётса...

Узок йили машхур олим-лардан биринга шундай савол йўлланган эди:

«Баъзан барча оила аъзопаримиз — мен, хотиним, фарзандларим ва ота-онам бир хонада ётишга тўғри келади. Бу бирмунча нокулай албатта. Лекин бошқа иложимиз хам йўқ. Қанчалик нокулай бўлмасин, зарурат юзасидан қайнота бор жоїда келин хам бўлиши дуруст бўлармикан, деган савол менинг кийнаб келади. Бундай холда кандай маслаҳат берасиз?»

«Борма, куясан...»

Куйидагича хабар ҳамманинг хам кўл телефонига тез-тез келаётган бўлса керак:

«Иситиш печларидан фойдаланишига амал қилинг. Ностандарт печлардан фойдаланманг. Иш газидан заҳарланишидан сақланинг. Кўшимича маълумот: fvv.uz.»



Жуда яхши огохлантириш. Бу бъязи бир фавқулодда ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишга хисса кўшади... деб умид киласиз.

Бу гаплар менга машхур сўз устасининг латифасидаги ўта совуқкон она ҳолатини эслатади: «Борма, куясан... Ана, куйдинг! Қўлинг ёпишиб қолдими? Энди бирпрас ўша ерда тутиб тур, ҳозир онган мактабдан келса, сени ажратиб олади...»

Бир пайтлар худди ўша санъаткор ўтган асринг саксонини یилларидаги бир ходисани кескин танқид килиб, кулги остига олган эди. Бу — бомба хакидаги латифа. Агар эсингизда бўлса, ногаҳон бомба тушиб қолса, унинг зарарига карши ишлаб чикилган химояланни дастури ҳаётга умуман тўғри келмасини ҳаконий раввища юморга ўраб очиб берган эди. У гаплардан кейин орадан яна ўттиз یиллар ўтди. Лекин санъаткор айтган ўта кулгили ва реал ҳаётдан жуда йирок йўрикнома ва дастурлар ҳалигача «яшаб» келяпти.

Юкоридаги хабар хам шулардан бири. Унда айтилишича, иситиш печларидан тўғри фойдаланиши керак экан. Буни ким билмайди? Одамлар бу ишни моли ва жонини атаялаб ҳалокатга қўйиш орзусини кўзлаб киладими? Нотўғри фойдаланай, кани эди, уйим ёниб кетиб, ҳаммамиз жувон-

марг бўлсак, дейдиган одам бўлиши мумкинми? Агар бўлса, у — касал. Унга телефондан жўнатиладиган хабарнинг фойдаси хам йўқ.

«Ностандарт иш»лар

Бу ерда «Одамлар нимага кўшимча иситиш воситаларидан ўз холича фойдаланяпти?» деган саволни кўйиш, менинчада, ўринли бўлади. Бугун мамлакатнинг аксар ахолиси табиий газ билан таъминланган, каби хисобот-гапларни кўп эши тамиз. Балки буни табиий газ қувурлари билан таъминланди, дейши бир мунча тўғри бўлар. Аммо буни хам «таъминланди» деб аташ ҳакиқатдан анча йирок. Сабаби, кейинги чорак асрда ўрнатилган ўша қувурлар, асосан, ахолининг чўнгтагидан килинганини ҳамма билади. Фақат буни ишботлашнинг иложи йўқ. Чунки бундай ишлар имми-жимида килинниб, аллакачон хисоботларга «бюджет маблағлари асосида амалга оширилди», тарзида бир неча бор хатлаб кўйилган. Фуқаро эса, бундай ишлар кимнинг пулига бўлса-да, тезда бажарилишини истайди. Қаҳратонда ахолига адолат ва ҳакикат тантанасидан кўра, хонадонини иситишга табиий газ кайси йўл билан бўлса хам стиб келиши муҳимроқ.

Баъзилар отнинг калласидай даромад топиш учун тандирхона, эмакхона, исисхона ва шунга ўхаш ...хоналарни ташкил этади. Лекин ўт ёкиш ва иситиш кондадарини назарреписанд кимасдан, факат мўмай даромад ортидан кувиб, давлатнинг кўзини шамғалат килиб, зиддан иш кўради. Белгиланган мъёрларга амал килиб ўтирияди. Ётиб колгунча отиб кол, кабилида иш тутади. Мутасаддилар бундайларни огохлантириб кўйишга, излаб топиб, танобини тортишга (қонунга чора кўришга) албатта ҳакли.

Яна ахолининг умумий эҳтиёжи учун етказиб берилётган маҳсулот истеъмолида беш кўлини оғзига тикиб, устига-устак, фойдалангани учун имкони бўла туриб, йиллар давомида атаялаб ҳак тўламай юрган бўйни йўғонлар хам йўл эмас.



Шу билан бирга, масаланинг яна бир чигал томони бор. Сир эмас, ҳолатонда одамлар яшаб турган ўйини эмас, лоакал биргина хонасини иситиш учун кўлидан келган ҳамма тадбирни киласиди. Бир кун совкотиб чикса, унни кандай йўл билан бўлса-да иситиш ҳакида бош котиради. Ота-онанинг ўзи унча-мунча нарсаларга бардош килиши мум-

мана шу суратнинг ўзи кўп нарсани «гапирмоқда».

Кўриниб турган замонавий иситиш тизими ишламагани боис кўлбола печка курилгани аниқ. Қўмир йўқлиги ва ўтинни тежаш учун эса электр печка (электр келиб қолган пайтда албатта).



БОМ-
ёхуд ҳакиқатдан

(Мутасаддилар ўқимай қўя қолсин.



Манба: izauz

факат саллани ол деса, каллани кўшиб олиб келишини билади (ӯша калла иккинчи бор яна муаммо түздирмаслиги учун). Колаверса, унинг кўлдаги ёнгинг хавфисизлигига риоя килиш ҳакидаги узундан-узон рўйхатда фуқаронинг оливий ахволи ҳакида хеч нарса дейилмаган. У ўзбек тилини хам учча яхши билмайди. Билгани иккитағина сўз: жарима, мусодара.

Мутасадди
деганимиз — ўзга
сайёралик темир
ходим. У фақат
саллани ол деса,
каллани кўшиб
олиб келишини
билади. Билгани
иккитағина сўз:
жарима, мусодара.

Бир маҳалла(р)

Тўғрисини айтсам, мен кейинги пайтларда ҳакиқатдан узок воқеалар ҳакида кўп хаёл сурадиган ҳаёлпастар бўлиб колибман. Ҳар йили куз-киш мавсуми бошланишидан олдин маҳалла кайвонилари йиғилишиб, кани, бу йилги мавсумдан кандай чиқамиз? Раҳматли Шариф аканинг келини бу йил уч боласи билан сўққабош колиб кетди. Унинг ўйидан бир хонасини иситиб берайлик. Анаини Маҳкам бобо билан Сарви холга битта яхши печка топиб бермасак, бўлмас. Уста Толиб — жўжабирдай жон, Оиласида ўн киши унинг кўлига кабар ўтиради. Кунбай ишлаб топган пуль дурустрок печка олиши етаслиги тайин. Унга хам ёрдам килайлик. Жилла курса, бояги «ўзга сайёралик» мутасадди келганида биз маҳаллошлар унинг ҳолатини тўғри тушуниб, Толибжоннинг хонадонини сал кўздан пана-латиг турайлик, дейишса, бўлмасмикан, деган хомхалларга бораверман. Лекин бу — ҳакиқатдан узок воқеалигини ўзим хам яхши биламан.

Ахолини ижтимоий химоя

БА

УЗОҚ ВОҚЕА

Барибир фойдаси йўқ-ку)

килиш тизими валломатлари иссиккина уйларидан маза килиб ухлаб, яхши тушлар кўриб туришсин. Энди гапни бошка ёқдан эшитамиш.

Мўридан чиқсан ҳасрат

Мактабни аъло баҳоларга битирганман. У кезларда муаллимларнинг хамма саволларига киптирик кокмай жавоб бериш ташлар эдим. Ҳозир эса жавобини мен биладиган саволлар нийҳоятда кам.

Масалан, бир куни кишлоқдошим Парни ака: «Сен бир нарсаларни биладиганга ўхшаб юрасан. Кани, менга айт-чи, бу мўри пули дегани намиси? Бундай гап каердан чиқди ўзи?» деб сўраб колди. Яшай агар шу саволнинг жавобини билсан. «Ҳа, ўзи тинчлики? Бунака гапни кайтдан топдингиз?» десам, аканинг гапхалтаси очиби кетди.

«Уйимизга папка кўттарган бир киши келди. Ўзини «мўриларни текшириб юрувчи» деб танишитирди. Мўримизни кўрди. Бу мўрингиз хеч нарсага ярамайди, деди. Мўрингин тепаси берк, тутунни яхши тортмайди, ёнгин чиқиси мумкин, дейди. Э, барака топкур, мўрингин устига атайлаб ўзим шунака копюк килганман, у тутунни ўтказди-ю тепадан келаётган ёмғирни ушлаб колади, десам, хеч тушунмайди-да. Мўрингин усти очик бўлиши



керак, коидаси шунака, дейди. Иккисоат тортишидик. Унга кани бир гап утириб бўлса... Жарима ёзаман, дейди. Кўзининг олдидаги томга чиқиб, мўрингин устидаги копкоғини олиб, ўзини артиб-суртиб чиннидай килиб-кўйдим. «Энди ака, гап бундай. Мана, мен уйингизга хабар олгани келдим. Сизга ёнгин хавфсизлиги тартиб-коидаларини тушунтиридим. Шундан кейин мўрингиз тозаланди. Тўгумми? Тўгри, дедим. Унда мана бу жойга кўйинг, деди. Кўйдим. Энди сиздан йигирма минг, деди. Хайрон бўлдим. Нега, десам, мўрингиз тозалангани учун, деди. Мана сенга топишмок. Хей, сен шу топишмокнинг жавобини биласанми?»

Қассобга ёғ қайғы

Киши забтига олган сари ёнгин хавфсизлиги ходимларининг бош қашиша асрар кўйган вактлари камайди. Хар йили кузикиш ойларида ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиб келяпти. Телевизор газетларда

соҳа мутахассисларининг кайта-кайта таъкидлашича, мазкур ойлик доирасида жойларда бўлиб, ахолига кенг миқёсда тушунтириш, тушунтириш ва яна тушунтириш ишлари олиб борилади. Баъзи бир гап укмас, кулоксиз ва худбин ахоли эса яна ўз билганича иш тутиб, ёнгинга сабаб бўлувчи ностандарт ускуналардан фойдаланишида изизлар давом этияти. Ҳа, орада катта талафотлар хам учраб турибди. Иса газидан заҳарланиш, кўлбода ускуналардаги носозликлар сабабли ёнгин чиқиси окибатида айрим одамлар, хатто бутун бир оила ҳалокатга урграгани хакида ботбот хабар топляпмиз. Бундай кўнгилсиз холатларнинг олдини олиш учун эса бир ёқдан бош чиқариб, тарғибот, тушунтириш ишларига зўр берилади. Ҳодимлар, керак бўлса, уйма-уй юриб, ахолини каттик назорат килиб, иситиши тизимидан хотўғри фойдаланаётган фукароларга юкорида айтиб ўтилган амалий чораларни хам кўллаётпти. Бечора фукаро нима киларини билмай, ичига ютган ҳасратининг ачичк тутунидан кўзлари ёшланиб юриди. Лекин буни хеч кимга айтиб хам, кўрсатиб хам бўлмайди.

Хўш, килинаётган шунча «амалий тадбирлар»нинг натижаси нима бўлди? Одамлар ностандарт ускуналардан фойдаланиш даҳшатли окибатларга олиб келишига амин бўлиб, улардан ўз ихтиёри билан воз кечдими? Бир хисобдан, ахоли кунда-кунора ёнгин окибатларини кўриб-эшитиб, унинг ҳалокатига ишонгани рост. Лекин уйдан худди ўша ускунани чиқариб ташлагани йўқ. Бунинг иложи хам ўй.

Тинимиз олиб борилаётган тушунтириш ишлари натижасида ёнгин билан боғлиқ кўнгилсиз холатларнинг олдини олишига эришилдими? Ёнгин ва унинг окибатида жабрланаётганлар камайдими? Булар хакида расмий хисоботларда кандай маълумотлар бериладиганни балки кўпчиликса аён эмасди. Лекин кундадлик хаётда ёнгин аламини тортадиган ҳамюртларимиз хакида аник хабарлар (ҳамто суратлари билан бирга) хамиша одамларнинг кўз олдида турибди.

Балки гап укмас, кулоксиз, худбин ахолига бу борада янада жиддийроқ тушунтириш керакди?

Балки...

Бўлари гап шуки, биринчи навбатда, ахолининг хонадони иситиши керак. Курук кошик оғиз йиртгани каби курук гап билан хам ўйни иситиб бўлмайди. Ахоли учун муносабати турмуш шароити ташкил килиниб, аввало, хонадонларни етарилича иссиклик тизими билан таъминлаб кўйиб, етмаганига иситишининг мукообил шароитларини яратиб бериб, халкнинг кўнглини тўк килиб, ундан кейин керакли талабларни кўйиш, ахоли билан тенг мавқеда туриб шартлашиш, келишиш мумкин, назаримдид. Акс холда, шоир айттанидек, тиҳсиз аррани зўр бериб тортиши билан ўзимизни худди ишлайтгандек килиб кўрсатишдан хеч ким манфаат топмайди. Бу ёлғонимизга табиийки, хеч кимни ишонтира олмаймиз. Ва аксинча, халкнинг ишончинини кундан-кун йўқотиб бораверамиш.

Соҳибназар ТУРДИАЛИЕВ

Оила – муқаддас, аммо уни ким асрайди?

Оиланинг муқаддаслиги хакидаги гаплар ва насиҳатлардан бирор наф чиқканида бугун мамлакатимизда бу энг оғрикли муаммолардан бирига айланмаган бўлармиди. Чунки оиласи асрар-авайлаш хакида маҳалла фукаролар йигини, ФХДЁ бўлумлари, хотин-кизлар кўмитаси ва шу каби ташкилотлар сон-саноқсиз тадбирлар ўтказишида энг илгорлардан. Ажришишлар келиб чиқиши сабабларини ўргаништапти, ракамлар, статистикалар, хисоботлар юритилипти, таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилипти...

Хўш, бу тадбирлар қанчалик натижа бермоқда?
Ажрашишлар камайдими? Бир қолипга тушиб қолган маънисиз тушунтиришларнинг қанчаси ҳавога учуб кетмоқда?

Аслида бутун дунёда оиласи саклаб колишига уринишлар тобора долзарб аҳамият касб этаёттани бежиз эмас. Сабаби, «оила курмаса хам инсонлар яшай олади... фарзандлар дунёга келаверади... авлод давом этаётади», деган хавфли гояни оммалаштиришга уринаёттан кучлар бор. Айрим жойларда улар ғалаба нашидасини хам сурмокда. Ҳар бир миллат, ҳар бир ирк ва дин вакили бу хавфнинг оқибатини яхши билишади: оиласи түгилган фарзанд нокобил бўллади. Отаси ноаиник, насл-насабининг тайини йўқ авлоддан яхшиши кутиб бўлмайди.

Энди тантанинг иккинчи томонига ўтибор каратайлик. Айтайлик, бир оила бузилди. Бир қарашда бу жуда жўн масаладек туюлиши мумкин, аммо чукуррек мuloхаза юритадиган бўлсак, қанчалик жиддий оқибатларга олиб келишини кўриши мушкүр эмас. Отаси вояга етган киз турмуша чикка, эрига қандай муносабатда бўлишини билмайди. Ахир, у онасининг эрига килган мумомаласини кўрмаган. Еки отаси ўстган йигит онасининг қарамоғида улғайса, оила бошқарисидан бутунлай бехабар бўлиши аниқ. Вакти келиб ўзи хам ўйлангач, аёлга қандай муомалада бўлишини билмайди, бир-бирларини тушунишмайди, оқибат «олдузимиз тўғри келмади», деб арзимас сабаб билан ажрашиб кетишиади.

Ўйлита келин излаган хар бир ота-она, аввало, кизининг оиласини суршидириди. Агар онаси эридан арзимас сабаблар билан ажрашиб, шу пайтгача ёлғиз яшаб юрган бўлса, табиийки, бу хонадон остононгга киришга иккисинади. Оқибатини ўйлаб орта чекинадиганлар хам бўлади. Сабаб — ўйда ота тайклини. Хонадоннинг устуни, кинир ишлардан кайтариб, тўғри йўлга соладиган эркакнинг ўқиши. Бу оиласда улғайланган кизининг тарбияси ҳар кандай кишини ўйлантириди. Тўғриси хам шу, отаси оиласда фарзанд тарбиясининг кайсирид жихатида кемтикс бўлади. Она фарзандларни бокиши учун ишласа, уйда қолган ёш, ўспирин йигит ёки кизни ким хаётта тайёрлайди? Уларга кайсан иш ногўтири экани айтилмаса, яхши ишларга жалоб килинмаса, албатта, тарбияси ўзгаради. Шундай оиласда тарбия кўрган болаларнинг кўпчилиги хиноят ўйлуга кириб кетаётганини хаётнинг ўзи кўрсатмокда. Турмуш ўртогига итоти этиши кераклигини хам сўзда, хам амалда кўрсатиб берадиган оналар кизларининг яхши турмуш кечиришига асосий сабабчилардан хисобланади.

Агар оиласда эркаклар аёлни ўзозласа, аёллар эса турмуш ўртогига хурмат ва эхтиром кўрсатса, улар баҳти турмуш кечириши аниқ. Шундай нағис муносабатни кўриб вояга етадиган киз эса қандай килиб ўз турмуш ўртогига итотиғизликни киради. Аксинча, оиласининг бузилиб кетишига асло йўл кўмайди, рози бўлмайди.

Эр ва хотиннинг оиласидаги вазифалари, ҳаклари тўғрисида маълумот берувчи китобларимиз талайгина, бирор улар китоб дўконларининг пештахталарига безак бериб туриди холос. Афусуки, турмушига безак бермокни бўлган ёшларнинг кўлиганинга этиб бормайди. Шу каби китобларни ФХДЁ бўлумларига, маҳалла фукаролар йигингига ва ўкув муассасаларига тарқатни лозим. Ниҳоҳдан ўтадиган ёшларга текин тарқатни йўлга кўйиш керакдир балки. Оилавий дарслар дегани фақат ширинлик пиширишу кашта тикишмас, ахир. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабат ва меҳр-муҳаббатни ўйғотадиган оила сирлари хам мавжудлиги хакида унутмаслик керак.

**Сарвар ХУРРАМОВ,
журналист**

Андижон – ажрашишлар бўйича етакчи

**Ўтган 2018 йилда мамлакатимиз
ФХДЁ органлари томонидан
311,4 минг никоҳ қайд этилди.
Бу ҳақда давлат Статистика
кўмитаси маълумот берди.**



2018 йилнинг январь-декабр ойларида ФХДЁ органлари томонидан **32,3 мингта** никоҳдан ажрашишлар қайд этилди. Ажрашишларнинг юқори ўсиш суръатлари Андижон (**31,3 фоиз**), Тошкент шаҳри (**19,4 фоиз**), Сурхондарё (**5,6 фоиз**) ва Тошкент (**2,8 фоиз**) вилоятларига тўғри келди. Ажрашишларнинг нисбатан сезилилари камайиши Хоразм (**23,1 фоиз**) ва Каҳқадарё (**20 фоиз**) вилоятларида кузатилди.

Тўйдан қолмас, жанозага бормас оқсоқоллар

Вақти-соати келиб, яқин кишимиз ёки маҳалладомиз бандаликни бажо келтирса, ич-ичимиздан қайғурамиз. Марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдарлик билдириб, уни сўнгти манзилига иззат-икром билан кузатиб борамиз. Сўнг, давраларда эл-юрт равнақи учун қилган эзгу амалларини хурмат или ёд этиб, ёшларимизга хотиралар сўзлаймиз. Хайрли ишларини давом эттиришга даявт этамиз.

Халқимизнинг минг-минг ийлардан бўён давом этиб келётган бу аъмоли одамларни меҳр-окибатли, кадр-кимматли, ахил, яхши-ёмон кунларида бирга бўлишга, ёрдаму химматини аямасликка, бамаслаҳат иш тутишга ундаши билан ҳаётимизга, турмуш тарзимизга сингиб кетган.

Қандайдир сабаб билан тўйга бормасантиз, ҳеч ким ранжимайди. Аммо эшитим, имконнинг бўла туриб, маҳалладаги жанозага чикмасликни кечириб бўлмайди. Афуски, халқимизнинг ҳамжихатлигу ҳамдардлигини намоён этадиган ана шу маросимга айрим жойларда локайдилек билан каралаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу, айниқса, кўп каватли уйлардан иборат замонавий маҳаллаларда якъол кўзга ташланмокда.

Якинда бир касдошим кўнғирок килиб, мамлакатимиз илм-фани ва иктисодий ривожига катта хисса кўшган таникли академик олимнинг вафот этганини айтиб колди. У киши менинг ҳам дўстим эди. Жанозага бордим. Тумонат. Улар марҳумнинг кариёларидар, дўст-бирорларидар, шогирдлари. Кашибдошимдан «Маҳалла оқсоқоли кўринмайди», деб сўрадим. «Кеча эшиттан бўлса-да,

мана, хозиргача на ўзидан, на фаоллардан дарак бор. Тўй бўлса, югуриб боради. Мана, сизга маҳалланинг ахволи», деди у чуқур ух тортиб. Дағн маросими маҳалла оқсоқолисиз ўтди. Осмон узилиб тушмаган бўлса-да, дилимиздан тилимизга кўп-кўп саволлар кўчди. «Нега маҳалла оқсоқоли маросимга бош-кош бўлмади?», «Нега маҳалладашларни бундан хабардор этмади?», «Нега маросимдан кейин ҳам кўринмади?», «Маҳалла мусибатли кунингда малҳам бўлмаса, ундан не фойда?» «Ахир, олим бирордомиз маҳалланинг тўй-ҳашами, ҳашари-ю, маъракасида доим бирга иди-ку...»

Тунов куни бир «дом»да яшайдиган кўшним кутилмаганда юрак хуружига чалиниб, оламдан ўтди. У кекса онахонинг ёлзиг ёлги бўлиб, бегубор, самимий инсон эди. Эшитган заҳоти чикдим. Оила аъзоларига ҳамдарлик билдириб, қандай ёрдам кераклигини сўрадим. Муаммо йўклигини, маросим билан боғлиқ барча юмушларни марҳумнинг бирга ишлайдиган дўстларни килаётганини, маҳалла ҳам хабар берилганини билгач, хотиржам бўлдим. Аммо жанозада бор-йўғи икки кўшнигина катнашдик, холос. Маҳалла

раҳбарларидан бирортаси корасини ҳам кўрсатмади.

Орадан беш-олти кун ўтиб, маҳалламизнинг энг нуроний онахони — Офтоб момо юз ёнда бу фоний дунёдан кўз юмдилар. У киши набираси билан туар, ўғил-қизлари шахарнинг турли туманларида истиқомат килишар, бирор онадан хабар олиб туриши кандо кильмас эдилар. Набиралари эса, бувижоннинг дусонни олиш учун у кишининг хонадонидан ёкк ўзишмас, буни кўрган кўни-кўшинилар хавас килишарди. Мана энди дуогўй момо ҳам ўйк. Буни карангти, момонинг ёшига етишини ният килиб, на маҳалла раҳбарларидан, на маҳалладашлардан бирор бир киши жанозага чикиди.

Маросимдан кейин, секингина ўғилларидан сўрадим: «Маҳалла га айтилганими?». «Ҳа», деди-ю, ярасига туз сепилгандай бўлиб, «Оқсоқол феъли чаток бир аёл экан. У борми десам, йўқ дейди. Бу борми десам, йўқ дейди. Атрофни қаранг, вайрон бўлиб, чикиндига ботиб ётиди. Уят экасми? Пойтахтнинг көн марказидаги донни чиккан маҳалланинг ахволи шу бўлса... Афус... Минг афус...» Бу ачинири хол ўша бир инсоннинг руҳини ҳам чиркира-

таётганига шубҳа кильмаса ҳам бўлади. Наҳотки, бутун бир маҳалладан оқсоқоллик юкини кўтара оладиган тузукро бир одам топилмаган бўлса?! Раиси ҳам, унинг маслаҳатчисину котибаси ҳам умуман идорадан чиқишмас экан. Бунакада маҳалла ободу, халлик ахил бўладими?»...

— Эҳ, дўстим, — дедим чукур хўрсаниб, — етти-саккиз ийл аввал шундаймиди маҳалламиз? Йўқ! Давлатимиз раҳбари маҳалла тинч-тотувлигию равнави учун жон куйдираётган бир пайтда туман раҳбарлари ўз «қонуни»га биноан, бирор билмас сайлов ўтказиб, ўзларига тегиши бўлганд одамни кўйгандан кейин, одамларнинг хафсаласи пир бўларкан-да. Хабарнинг бор, оддингиси маҳалла мулкини талон-торож килиб юборди. Битта маҳаллага нимаики зарур бўлса, хаммаси бор эди. Энди йўқ. Ҳозиргиси эса, аёл бўлса ҳам, ундан баттар. Шу бойис, одамлар хаддан ташкари локайд бўлиб колди. Бу язчиҳи ахволни туман раҳбарлари ҳам билади. Кабулига ҳам бордик. Фойдаси бўлмади. Кўриб турибисиз-ку, жанозага чиқишмаятти-я, жанозага...

Афуски, бу ягона мисол эмас. Бундай аянчли ҳолни ша-



харнинг кўп каватли уйлардан ташкил топган бошқа маҳаллаларида ҳам кўрдим.

Оlamdan ўтган киши билан видолашув, уни сўнгти макони — тупрокка қўйишида хозир бўлиш ҳар биримизнинг ҳам инсонийлик, ҳам мусулмонлик бурчимиз. Масаланинг энг муҳим томони шундаки, маҳалладаги маъракаю маросимга, айниқса, жанозага унинг раҳбарлари бош-кош бўлмаса, ёши катталар ўрнак кўрсатмаса, эргага нима бўлади?! Бундан бевозат бўлмаслик мумкини? Ёшларимиз бу инсоний бурчни унтиб кўймайдими? Ахир, бу ҳам тарбия-ку. Бирни кўриб фикр кил, мингни кўриб шукр кил деганларидек, жанозага борган одам ҳам бирни кўради, ҳам кўпни. Истайдими-истамайдими, кўнглидан катор-катор саволлар, фикр-ўйлар ўтади. Мулоҳаза, мушоҳада юритади. Инсоннинг инсонийлиги, унинг оила, маҳалла, борингки, жамиятда тутган ўрни хакида ўйлади. Ўзини ўзгаларнинг ўрнига кўйкиб кўради. Охир-окибат, «Якка отнинг чангি чикмас, чангти чикса ҳам, донги чикмас» маколига амал килиб, маҳалла-кўйдан ажralиб қолмасликка, кўшилиб-коришиб юришга, нафакат маърака-маросимларда, балки тўй-ҳашами хашарларда бел боғлаб хизматда туришини кандо кильмайди. Каттага ҳам, кичикка ҳам меҳрибон, ғамхўр бўлади.

Бунинг учун одамлар калбига ўйл топа оладиган, уларни бирлаштирадиган, дардию қувончига шерик бўладиган, ободлигу фаровонлик сари етаклашга курби етадиган оқсоқол керак! Бундай оқсоқолни маҳалла аҳлининг ўзи танлаб, ўзи сайлаб олмас экан, гап гаплигича қолиб кетаверади.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист

ЯНГИ НАШР

«Ҳаёт китоби»дан ҳаётни ўрганамиз

Яхши оила хушхуқли, иймонли солиҳ инсонларни тарбиялади. Оила — мұқаддас ва нозик қадриятлар устига курилиб, эр-хотин бир-бираiga омонатдир. Омонат яхши сақланмоғи, унга хиёнат қилинмаслиги зарурдир.

«Ҳаёт китоби»да битилган айнан мана шу сатрлар ҳеч кимни бефарқ колдирмасек керак. «Шарқ» насприёт-матбаа акциядорини компанияси томонидан нашр этилган ёш оиласалар учун мўлжаллаланганд ушбу энциклопедия кўлланма менда жуда катта таассурот колдириди. Китобда сиалнинг фойдалари ва зарур сирлари мүжассамлашган бўлиб, булардан яхши келинномини чикармокчимисиз, бунинг энг яхин ва аниқ амали учдири: аввало, саховатли бўлин; яъни борингизни ҳеч кимдан кизғанманг,

иккинчиси калбингизни кибру ҳаво, гина-кудураг, касд-ғазабдан покиза тутин; учинчиси — ҳамма вакт очик юз билан хизматда бўлинг, дейилган. Бу фикрларни ўқиши киши бу дунёга бир марта келади, одамнинг, айниқса, аёл кишининг ўзидан кейин яхши ном колдирганига нима етсин, деб юборасиз. Лекин батъзан аёлнинг тўйларини аклидан устунроқ келиши мумкин. Севгисини ҳам, нафранини ҳам эрқакдан кўпроқ билдириди. Оиласадаги маънавий муҳит кўп жиҳатдан ўзаро муносав-

Нодира ИСМОИЛОВА,
«TURON» АҚМ бўлими мудири

ИКТИБОС

«Илгарилори, гўзал ёшлик ийларидан, мен ёзувчиликка энди қадам кўйган вактимда ҳаётим бошдан-оёқ азоб-укубатдан иборат эди. Ёш ёзувчи мувоффакиятсизликка учраганда ўзини беҳӯшов, нўнук, ортиқча деб хис қилиди, асоблари таронга жонига теккан бўлади; у ётироф этилмаган, ҳеч ким тарафидан пайқалмаган ҳолда, худди пули йўқ, ашаддий киморбоздек уларнинг кўзига тик ва дадил қорошдан кўркиб, адабиёт ва санъатга доҳлор одамлор атрофида бетўхов айланниб юради. Мен ўз ўқувчимни кўрган эмасман, аммо у менинг тасаввуримда негадир одоватли ва ишонмайдиган киши бўлиб жонланади. Мен оммадон кўркардим, у менинг учун даҳшатли эди, янги пъесамни саҳнага кўйган вақтларида ҳар сафар назаримда, қора сочилинилар душман кўзи билан қараётгандек, сарик сочили одамлар эса союк, бепарвадек туюлар эди! О, бу ноқадар даҳшат! Бу шундай азобки, сира тенги йўқ!»

Антон ЧЕХОВнинг «Чайка» асаридан

**«Боламни боғча олмаяпти,
ўзим эса ишлашга мажбурман...»**

Аслида мақсад
нима? Ишлаши
ёки фарзандга меҳр
бериб улғайтириш?

Мактабгача таълим вазирилги эшиг олдида икки ўшлар чамаси болани етаклаб, кўзлари жиққа ёшга тўйлиб турган аёл ётиборимни тортди. Аввалига индамай ўтиб кетмокчи бўйдим, лекин бирор ёрдамим тегар деган мулоҳаза билан ҳол сўрадим. Тўлиб турган эканми, гапиришдан олдин бир йиг’лаб олди. Унинг сўзларига кўра, икки ёшли фарзандини мактабгача таълим мусасасасига жойлаштира олмаётган экан. Ижтимоий ахволи оғирлиги учун ишлаши керак экан. Шу боис вазириликдан нажот кутиб келган, аммо бу хам натижада бермаган.

Бугун бу каби холатлар тез-тез учраб турибди. Яньни, мактабгача таълим муассасасига болалар учтук ёшдан қабуд килина бошлигач, кўп оналар учун бу катта ташвишга айланди. Ўқиётгац, ижтимоний ахволи оғирлиги сабаб ишилашга мажбур бўлаётган аёллар икки ёшли фарзандини кимга колдиришни билмай боши котган. Кимдир уларнинг арз-додини тингляяпти, кимдир елка кисищдан нарига ўтга олмагапти. Аслида бу муаммонинг юзага чиқишига қандай омиллар сабаб бўлди? Болаларни боғчага уч ёшдан бошлиб қабуд килиш замирди қандай максадлар мужассам ўзи? Бир-бирига уланиб кетадиган бундай саволлар кўп. Уларнинг сўми

БИР САВОЛ

Дарс соатининг чегараси борми?

— Бир ўқитувчига энг күп неча дарс соати берилиши мүмкін? Оліс худудларда, тоғли тұманларда жойлашған мектеблар ёки мұтаксисслар етишмайдың, иккі сменалы мектебларда ўқитувчиларға энг күп неча соаттаға дарс ўтишга рұхсат берилади?

Б.НИЁЗОВ

— Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил
21 декабрдаги қарори билан тасдиқ-
ланган «Халқ таълими ходимлари
мехнатига ҳак тўлаш тўғрисидаги
низом»нинг 18-бандига кўра, ало-
ҳиха холларда халқ таълими муса-
сасаларида ходимнинг розилиги
билан қасблар (лавозимларни бирга
кўшиб олиб боришга, шунингдек,
узининг асосий иши билан бирга,
ишида вактнинча бўлмаган ходим-
ларнинг вазифаларини бажаришга
йўл кўйилади. Бунда лавозимларни
бирга кўшиб олиб бориш бўйича
иши вактининг жами давом этиши
йиллик 1548 соат иши вактининг 50
фойзидан, яъни йил мобайнида 774
соатдан ортиг бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, ҳукуматнинг 2012 йил 18 октябрдаги карори билан тасдиқланган «Ўриндошлиқ асосида хамда бир неча касба ва лаъизмдада ишлаш тартиби тўғрисидан изомиз» иловасининг б-бандига мувофик, умумтаълим мактаблари таъкидчиларининг айнан шу мусасасада белгиланган меҳнат нормаларидан ортиқ бўлган, лекин ушбу нормалар тури бўйича иш вакти нормалар давомийлигининг 50 фойзидан кўп бўлмаган иши ўриндошлиқ асосида ишлаш хисобланмайди хамда таъкидчилар меҳнатига тасдиқланган таъкидчиларни асосида хар тўғланади.

Халқ таълими вазирлиги



МАЪЛУМОТ

Хозир мамлекатимизда 3-7 ёшдаги болалар сони 2,5 миллиондан ортиқ. Бугун уларнинг қарийб 37 фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган.

нидан кўллаб-кувватланиши масалага бироз ёчим бўлиши мумкин. Лекин кўпинча бундай мурожатлар жавобсиз колиб кетавади. Фарзанд тарбияси учун таътилга чиккан онанинг кейинги тақдиди хеч кимни қизиқтирмайди. Шундай экан, бу борада ҳам ходимнинг мавжуд имкониятларини янада ойдинлаштириб олиш зарур эмасмикан?

ЕЧИМ ТОПИЛАР, АММО...

— Мана шу масаланы охиригача етказб, хеч бўлмагандан, кўтариб чиқилган мавзуга тегисли вазирлик ёки хукумат ёътиборини каратиш биринч гадла журналистлар вазифасидир, — дейди Олий Мажлиси Конуничилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Абдурашид АБДУКОДИРОВ. — Бунинг кун тартибидаги энг долзарб масалага айлантириш керак. Мана, хозир иккى ёшли болаларни боғчага бериш ва хусусий секторда бунинг нархини камайтириш масаласи кўтарилид. Иккى-уч ёши оралиғига фарзанди бор бўлиб, уларнинг ичига факатини боғчага бера олмай, ишга чика олмаётганлар сони канча ўзи? Олий таълим мусасасида 337 мингта яқин талаба ўқииди. Ярмини кизлар ташкил этади дейдиган бўлсақ, 170 минг бўлади. Уларнинг 10 фоизи турмушга чиккан десак, 17 минг бўлади. Уларнинг канчасида иккى-уч ёшли фарзандлари бор?

ёшли фарзандлари бўлиб, ишга жойлаша олмаётган, фарзандини боғчага берса, иши нақд бўлган ёки ўқиётланларинг сонини аниклаб бериши керак назаримда. Шунда бемалол масаланинг нечоғли долзарбилигини исботлай оламиз.

Күриниб турибиди, муаммом мавжуд. Масаланинг энэ нозик жиҳатини эса тилга олмай иложимиз йўқ. Бугун фарзанд дунёга келтириб, уни кимгидир ташлаб ўз ҳаётини яхшилашга характер қылаётган онани тушунармиз. Аммо ўз волидасининг меҳрига ташна, факат унинг кучогидагина ўзини эркин хис киладиган боланинг кечинмалари-чи? Психологларнинг тъкидлашича, бола уч ёшга кадар атроф-муҳитни ўрганади, инсонлар билан мулоқот кўнглисаси шаклланади. Бу вақтда гўдакнинг онаси билан биргя бўлиши рухан тетиси бўлиб улғайишида катта аҳамият қасб этади. У воғта етганда ҳам бу ўз тасирини кўрсатади. Шундай экан, масаланинг атрофлича ўрганиб, кейин хулоса чикарсан маъкул кўринади.

...Лекин афсуски, йиги аралаш менга дардини гапираётган аёл бу фикрларимни эшитгиси ҳам келмади. Шундай вактда оиласнинг ёши улуглари, ота-она ёки қайнота-қайнона келинларни йўлга солиши керакмikan? Бу масалада яна бид мулоҳаза юритиб кўринг.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
«Оила даврасида» мухбари

Хорижда ўқиб, юқори малакали мутахассис бўлмоқчимисиз?

Иқтидорли ёшларни докторантурда ва магистратурда дастурлари бўйича ўқитиш билан ким шуғулланади? Турли соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва стажировкаси ташкил этиш, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш қандай амалга оширилади? Чет элдаги университетлар ҳамда илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлаш шартларидан хабардормисиз?

Ушбу максадларни амалга ошириш учун 2019 йилда давлат бюджетидан 45 миллиард сўм ақратилиши режалаштирилган. Президентимиз 2018 йил 18 декабрь куни замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланб ўтказган йигилишдаги кўрсатмасига мувофиқ, бу маблаг янада оширилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 сентябрдаги фармонига мувофиқ, Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот килиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташкил этилган эди. Хўш, Жамғарманинг шу пайтгача бўлган фаолияти натижаси қандай? Унинг таълим дастурларида иштирок этиш учун нималар талаб килинади?

«Эл-юрт умиди» жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Адхам БЕКМУРОДОВ шу хакда атрофлича маълумот берди.

Ҳозиргача 500 нафар мутахассис

2018 йилда жамғарма 26 давлатдаги 74 таълим ва илмий муассасаси билан ҳамкорлик аложаларини ўрнатди. Ҳозирда унинг хорижий таълим дастурлари асосидаги 500 нафар стипендиат, шу жумладан, малака ошириш бўйича 260 та ҳамда стажировка дастурлари бўйича 27 та стипендиат таҳсил олган ва олмокда.

Кимлар иштирок эта олади?

Магистратура дастурларида: 23-40 ёш оралигида бўлган, илгари мутахассислиги бўйича хорижда магистратурада таълим олмаган ҳамда танлаган касбида камидаги 2 йил меҳнат тажрибасига эга;

Докторантура дастурларида: 25-45 ёшли, PhD (фан номзоди ёки доктори бўлган) ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлмаган, ўз соҳасидаги камидаги 2 йил фаолият юритган;

Малака ошириш ва стажировка дастурларида: 25-50



ёшли, Жамғарма дастурларидан бирида сўнгги 3 йил ичida хорижда таҳсил олмаган, мутахассислиги бўйича ҳамда педагогик соҳада камидаги 2 йилни ши стажига эга Ўзбекистон фукаролари катнаша олади.

Қандай ҳужжатлар керак?

Таълим дастурларида иштирок этиш учун барча зарур ҳужжатлар билан «Эл-юрт умиди» жамғармасининг интернетдаги www.eufu.uz веб-сайти оркали танишиши мумкин.

Малака ошириш ва стажировка ўташга номзодлар Жамғарма кабул комиссиясига кўшимча тарзда куйидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиши шарт:

• бўйротмачи ташкилот рахбари ёки унинг ўринбосари имзоси билан номзоднинг хорижда малака ошириши ва стажировка ўташи зарурлиги асосланган тасвиринома;

• бўйротмачи ташкилот рахбари ёки унинг ўринбосари имзоси билан номзоднинг хорижда малака ошириб ёки стажировка ўтаб қайтгандан сўнг, иш билан таъминлаши тўғрисидаги кафолат хати;

• малака ошириш ёки стажировка дастурни;

• малака ошириш ёки стажировка ўташи дастурини амалга ошириш тўғрисида хорижий

муассасаси билан дастлабки келишув (агар мавжуд бўлса).

Номзодларни саралаш

Номзодлар хужжатларини кабул килиш, тўплаш ва дастлабки кўриб чикиш Жамғарма ходимлари томонидан амалга оширилади. Мазкур жараён бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқичда ҳужжатлар кўриб чикилади ва талабгорлар дастлабки саралашдан ўтказилиди. Кейин эса танланган номзодларнинг хорижий тилларни билиши даражасини аниклаш учун сухбат бўлади.

Шундан сўнг, мутахассислиги бўйича ва дунёкарашига баҳо бериш максадида яна бир бор сухбат ўюнтирилади ёки ёзма имтихон олинади. Ва ниҳоят, (магистратура ва докторантурасида учун) стандартлаштирилган тест (IELTS, TOEFL, TestDraf, GMAT, GRE ва бошқалар) топширилади. Агар номзодда чет эллининг таълим ва илмий муассасалари талаблари даражасида билимини тасдиқловчи амалдаги ҳалкаро сертификат бўлса, у тест синовларидан озод килинади.

Исталган хорижий олийгоҳни танлаш мумкинми?

Стипендиат таълим олиши

Ўқиш муддати қанча?

Магистратура дастурлари —

1-2 йил;

Докторантура дастурлари —

1-4 йил;

Малака ошириш ва стажировка дастурлари:

• хорижий илмий ва таълим муассасаларида малака ошириш — 2 ойгача;

• хорижий илмий, таълим ижод муассасалари, давлат идоралари, корхона ва бошқа ташкилотларда стажировка ўтша — 6 ойгача.

Хорижда таҳсил олиб қайтган номзодлар юртимизда беш йил давомида давлат идораларида хизмат килади.

Жамғарма қолпайдиган харажатлар

• ўқиши пули;

• виза олиши (шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасидағи элчичноналари талабига кўра тириклидан кўридан ўтиши);

• транспорт (иккала томонга ўтиши бор марта);

• хорижий мамлакатда яшаш, овқатланиш ва транспортда харакатланиш;

• зарур ўкув ва илмий адабиётлар билан таъминлаш;

• хорижда таълим олиши даврида стипендиатларни тиббий сугурталаш.

Шахобиддин РАСУЛОВ

ёзб олди.

МАЪЛУМОТ

Айни пайтда мутахассисларни чет элга юбориш, хориждан юқори малакали ватандошларимизни ҳамда хорижий экспертларни юртимизга жалб килиш бўйича эҳтиёж қуидагича: чет элдаги ватандошларга – 651 та, юқори малакали хорижий экспертларга – 886 та, докторантураси, магистратура, стажировка ва малака оширишига – 3625 та. Жами 5162 тани такил этади.

Боғчаларда кўшимча пулли хизматлар

Низомга мувофиқ, энди мактабчага таълим муассасаларида ўкув дастурдан ташкири спорт-согламаштириши (карарт, таэквондо, сузиши, шахмат, шашка, гимнастика, массаж ва бошқалар) тўғараклари, бадий-эстетик (хор, рақс, тасвирий санъат ва ҳоказолар) тўғараклар, фанлар бўйича тўғараклар (чет тиллари, математика, ақлий арифметика, мантика, информатика ва бошқалар) каби кўшимча пулли хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Кўшимча хизматларнинг нархлар прейскуранти мактабчага таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдикланади.

Мактабчага таълим муассасасида ташкил этилган кўшимча хизмат кўрсатувчи гурухларга 3 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар кабул килиниши мумкин.

Бунинг учун фарзанди кўшимча хизмат кўрсатувчи гурухларда тарбияланишини истаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар тегисли мактабчага таълим муассасасига ариза билан мурожаат килади ҳамда улар ўртасида шартнома тузилади.

Кўшимча хизмат кўрсатувчи гурухларда болаларнинг сони 25 нафардан ортик бўлишига йўл кўйилмайди.

Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ошди

Хукумат қарори билан Мехнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сепкасига ўзгариши киритилди.

Ўзгариши ва кўшимчаларга мувофиқ, эндиликда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1, 2 ҳамда 3-разрядлари коэффициентлари олдингидек 2,476, 2,725, 2,998 дан эмас, балки 2,847, 2,997, 3,148 тариф коэффициентидан хисобланади.

Бу шуни англатади, мамлакат худуди бўйлаб ходимларга тўланадиган иш ҳақининг энг кам миқдори 501 минг 959 сўмдан 577 минг 172 сўмга оширилди.

Демак, бундан кейин Ўзбекистонда 577 минг 172 сўмдан кам ойлик иш ҳақи тўланиши мумкин эмас.

Адлия вазирлигининг «Хукуқий ахборот» телеграмм канали

Мулк ҳуқуқини беришда чеклов борми?

Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ва унинг туман бўлимлари барча кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ишларини рисоладагидек ниҳоясига етказди. Эндиғи навбат ўзбошимчалик билан курилга тураржой объектларига мулк ҳукуқини беришдан иборат.



Одамлар ташвиши ариса...

«Мине қылсаям, ҳукуматимиз барыбір оддий одамларға қайшиадыган, мушкулни осон күлдігендеган күнлар ніхоят етібекелди. Бир маңағлар ҳадиқу ха- вотир билан юрагимизни ұочув- лаб тұрағдык. Ташишларымзидар иштеп болшаган рост бўлсун...»

«Буны қаранғ, шу пайтігача ұхжесати борми-йүкмі, уйниң күріп олаөверібмиз. Бир күн келіп бу муаммога айланышиши, үнега қонуның әзап қыла олмас-лигимизни ҳам түшүнмабомиз. Энді ана шу үзбөшімчалық билан күргіланған үй-жойларға ега-лик хүкүкінші берілаудеганини эшиткеншілер оғешиң күліса оліб, зұдлық билан тегишили идорага чопмоқда, шинин ҳамирдан қыл сузурығандай осон битиряпты. Бұлмаса-чи, бу кітапта имко-ниям асхір!..»

«Бұнақанғи көнг миқәсдәсі табдир шу вактта қадар үткапланғанын есепті олмайман. Шу вакжеден күч-а-күйда, түй-ма-тұра-када ҳам шу әңдә қоп гаплашылымыз. Үйнімүз хұжисжатарини тезкорлық билан тайёрлаб берәйттеган ер тушиз, па ғұмас мүлк қадастри корхонасы хо-димларидан миннатдордымз...».

Ха, хозир вилоятдаги исталган даврага, чойхона ёки бошка турунгларга кулок тутсангиз ана шундай гапларни эшиттис. Бунинг сабаби бисёр албатта. Чунки, хукумат миексинде жадаллик билан ўтказылайттан мазкур талбир баҳонасиса уй-жойга езалик хукуки, мерос, солик түловлари каби күпшал масалаларда ахолини кийндейт жөнгөлдөн музаммалот

ўз-ўзидан ечим топиб боряпти.
Бундан улар ўзларини анча хотиржам мэмнүн сезмокда.

күчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбари Темурбек АБАРИМОВ. — Ишимизни обдан, синичковлик билан кузаттан фуқароларнинг аксар кисми ала-оқибат фаолиятимизга ижобий баҳо бера бошлади. Карап, вилоятгда ўтказилган хатлов жараёнида 368 минг 77 та күчмас мулк объекти мавжуд экани аён бўлди. Энг кизиги, уларнинг 346 минг 524 таси тураржой объекти, 21 минг 222 таси эса нотурар жой, 328 таси эса дала-ховли объекти хиссасига тўғри келаркан. Хатловдан ўтказилган 346 минг 524 та тураржой объектидан 322 минг 392 таси якка тартибдаги хонадонлардан иборат бўлиб, 12 минг 745 таси курилиши туталланмаган тураржой объекти ва 11 минг 387 таси ноконуний барпо этилган турар жой объекти экани ойдинлашди. Хатлов ишлари давомида 21 минг 222 та нотурар жой объектидан 13 минг 493 таси жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк объекти бўлиб, колган 7 минг 732 таси эса юридик шахсларга тегишли бўлган нотурар жой объектидан иборат экан. Хатлов ўтказилиши билан кўпгина муммоловар ўзечимини томпомкода.

Темурбек Абраимовнинг таъкидлашича, ходимларнинг билим ва кўнгилмасини ошириб бориши масаласига жиддий ахамият каратилмоқда. Негаки, хориждан катта маблаг эвазига келтирилган асбоб-ускуналарнинг «тили»ни топиб, улар билан «муомала» қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун билимнинг ўзигина кифоя кильмасдан, амалий жиҳатдан лаёкатга эга бўлиш талаб килинади. Шу максадда вилоятнинг Кўшкўпир, Хива, Ҳазорасп, Гурлан, Урганч, Хива, Ҳонка, Янгиарик, Янгибозор туманлари ва Хива шаҳар филиалларида ходимлар мунтазам равишда янгилик ва соҳадаги ўзгаришдан ҳабардор этиб бориляпти. Бу эса ишнинг самарали бажарилишида, айнишо, ишнинг

Хатловнинг ҳалисини одиб

Бутун дүнёда шундай. Аниклик, тезкорлик, келажакни күра билиш сингари тартиб тамойилларга катый турбы амал киганларгина барча масалаларига эришиады. Акес холда, хар бир бошланган эзгу иш хам ўлда-жүлдә аро йўлда колиб кетиши хеч гап эмас. Бу хаётда кўп бора кузатилган. Айниска, Хоразм вилояти ер тузиин ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси фаолигига билан якиндан танишгач, кўпгина масалаларга ойдилик кирипти обдим.

— Хатлов жарапында шундай чигал ва калтис вазиятлар билан рүбәрү келингипти, бунда эң аввало, адолат ва җаңык мезонларига оғишмай амал қылмасдан сирыам иложингиз ийк, — деди. «Хөзәм» виделкинен да тегине

Уфқ юзига шуъла
кўйидар

...Кимдир одатдаги иш күнини якунлаб, қадрдон уйи томон шошиб кетанты. У күйилар

лига каттакон ковун кўтариб олган. Айрим соҳа ходимлари эса айни шундай кезда ҳам бошини юмушдан кўтартмайди. Уларнинг мақсади ҳар нима килиб бўлса-да, зиммасига юклатилган вазифани койилмаком этиб бажариш. Назаримда, бугунги кунда хукуматнинг кўчмас мулкни нисбатан мулк хукукини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси ижросини таъминлаш соҳа ходимларининг энг долзарб вазифасига айланган. Ушбу муҳим тадбирнинг мазмун-моҳиятини ахолига тушунириб бориши учун соҳа корхоналари томонидан барча куч ва салоҳият сафарбар этилган. Бу борада Хоразм вилоятида ҳам сезиларли ишлар бажарилмоқда. Масалан, бугунги кунга келиб вилоятда ўзбошимча курилган

тураржой объектларига мулк хукукини этироф этиш бўйича давлат хизматлари марказларига келиб тушган аризалар сони 17 минг 369 тани ташкил этади. Уларнинг 2 минг 493 тасига тегиши ташкилотлар томонидан рад жавоби берилган бўлса, колган 9 минг 213 таси эса тураржой объектларига доир масалалар тегиши ташкилотлар томонидан карор доирасида синчковлик билан ўрганилмоқда. Шу билан бирга, фукароларга ўзбошимчалик билан курилган уй-жойларга мулк хукукини берниш тартиби ва муддати тўла-тўкис тушунтириб борилмоқда. Жумладан, вилоятнинг Хива, Кўшкўпир, Урганч, Шовот, Гурлан, Захорасп, Хонча, Янгиарик, Янгибозор, Богот туманлари ва Урганч шаҳрида мутасаддилар иштирокида тадбирлар ўтказиш одат тусига кирди. Баҳонада одамларнинг ермулк, кадастр билан боғлиқ билим ва кўunikмалари изил ошиб бормоқда.

Қиш фасли – иш фасли

Эхтимол күпчилик кахратон кишини оёкни бемалол узатиб, күк чойдан хүлплаб, эрзинчоклик билан вакт ўтка заёттан, дүпписи тор келгандыа оёги куйган товукка ўшшаб типиричилаб, ғимирлаб колган кишига бежиз ўхшатмас. Лекин бу фикри негадир ер кадастры тизимида ишлэгтэн ходимлар узил-кесли рад этауда. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор-да. Негаки, мазкур соха ходимлари эрта тонгдан то коронги кечгэ кадар ўзбашчимчалик билан курилган тураржой объектларига мулк хукукини эзтироф этиш сингари долзарб масалани жонкойтиб бажарыш билан банд. Бу одамларга вакти келиб, «ўз ишингдан розимисан?», деган ўринилса савдол берилса, уй-жой

беришни, кадастр билан боғлиқ яна кўплаб термин ва ибораларни, жамоанинг мақсадини адашмай айтиб бериши мумкин.

Хар бир фукаро солик тушумларини ўз вактида йигиши масаласида имкон кадар жойлардаги солик идораларига кўмаклашиши зарур. Негаки, вактида тўланган солик пенсия, стипендия ва бошча нафакаларни ўз вактида олишига имкон беради. Ана шуни инобатта олган корхона жамоаси туман, шаҳар худулларида мавжуд 322 минг 392 та туарржий обекти карор доирасида «Кўчмас мулк-3» дастурда тўлиқ баҳоланди ва солик идораларига тақдим этилди. Бу билан давлатимизнинг солик тушумини таъминлашга муносаб хисса кўшилмокла.

Жүшкін мекнат сурури

Хива туманида одамлар жүшкін мекнат билан банд. Улар ўз туғибиң үсган манзил-макондарының обод ва ораста туманга аллантириш учун жон койитиб тер тұқышмода. Тұмандың сүнгіті ғийларда күпілдаб янги ва замонавий бинолар қал ростлади. Ахолининг турмуш тарзи тобора фаровонлашиб, тұқылашиб боряпти. Аслида бундай натижалар замиріда халол ва сидикиділдан килинган мекнат мужассам. Хива тумани ер тузиши ва күчмас мүлк ка-дастры давлат корхонасы хам худудда курилаёттан бино ва иншоотларни хатловдан ўтка-зиш ишларига жииддій тарзда ахамият бермоқда. Масалан, бугунғы кунда худудда 26 минг 789 та күчмас мүлк обьекті мавжуд бўлса, унинг 25 минг 507 таси тураржой обьекті хамда 1 минг 282 тасини ноту-рар жой обьекті ташкил этади. Бу ерда хам барча күчмас мүлк обьектлари хатловдан ўтказилди.

Сирасини айттанды, Хоразм вилойтининг барча худудларида одамлар кизғин меҳнат билан банд. Уларнинг эмин-эркин фаолиги юритиши учун барча шароит яратып берилган. Хуллас, воҳада ажиб бир жўшқинлик кайфияти хукмрон. Мазкур жараёндан вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк қадиста давлат корхонаси ва унинг туман филиаллари ҳам четда эмас. Максад — бир вактлар ахоли ўзбозимчалик билан курган тураржой объектларига мулк хукуқини эътироф этишини ўз муддатида ниҳоялаш. Шундай килинса, одамларнинг ташвиши ариб, мушкули бир қадар осон бўларди. Ҳар холда, биз шунга умид килиб кодамиз.

Улугбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбари

НОНДАЙ АЗИЗ

Тўнимиз пешидан
ушлаб келаётган
боламизга, аввало,
мана шу нарсаларни
үргатишимиз шарт.



бор, чунки ҳеч ким нонга эхтиёжис
эмас...

Эсимда, онам тўй-маъракага борсалар, ушлаган кулоқдек нонин камзул чўнгагида олиб келарди. Бу биз учун нонни эъзозлаш мактаби бўлган.

Бой бўлишга мажбур

«Таомланиш одоби» китобида ёзилишича, «бир тишлам нон учун уч юз олтмиш киши хизмат килади. Уларнинг биринчиси ҳазрати Микоил бўлиб, Аллоҳнинг ҳазинасидан сувни келтиради. Охиргиси эса новвойдир. Пиёла, коса, товок каби буюмларни нон устига кўймасин, лекин сийладиган маҳсулотларни кўйса бўлади. Даструрхонда синик нон бўйса, бутун нонни синдира маслик керак. Акс холда, ироғарчилка йўл кўйилган бўлади. Кўй, пичон ёки товок нон билан артиса, уни еб кўйиш зарур. Даструрхондаги нон ушокларни одоб ва эхтиром билан териб ейин бойлик ва ризкнинг баракали бўлишига сабабdir.

Шу жойда бир ибратли ривоят эсимга тушди.

Кадим замонда бир савдогар одам бойлигини санайвериб хисобига етолмас экан. У маслаҳат сўраб бир донишманд олдига борибди. Донишманд эса «...Агар ниyатнинг шу бўлса, туннинг устида нон есангиз, давлатнинг камида майди», — дебди. Бир куни бой чўллар

орқали карвон тортиб савдога кетаётби, донишманднинг айтганини килибди. Туяning устида нон синдираётганда, нон ушоги кум ичига тушибди. Савдогар карвонни тўхтатиби, хизматкорлари билан бирга нон ушогини кидирибди, лекин тополмабди. Шунда давлатманд одам нон уволидан кўриб, оёқости бўлмасин деб, ўша нон ушоги тушган жой атрофини кўргон-левор билан ўратиби. Сўнгра йўлида давом этиби... Бой савдодан кайтгач, донишманд хузурига борибди ва бўлган воқеани айтиби. Доно киши бу имонли савдогарга хурмат билдирибди: «...Агар нон ушогини увол бўлмасин учун кўргон курган бўлсангиз, бойлигиниз бундан хам зиёда бўлади, нонни эъзозлаган барака топади», — деб дуо килибди.

Чиқиндига улоқтирилган ризқ

Хаётда бироз кўнгилни хира киладиган ҳолатлар хам учраб туради.

Бир мисол. Эрталаб бир аёлни йўл ёқасидаги чинкини кутисига нон ташланини кўриб колдим. Танамга сигмай, ўз эътиrozларимни айтдим. У аёл бунга бепарво бўлиб, ит-мушувлар сайди, деб бемалол кетаверди. Ё, тавба, бундайларга Яратнанинг ўзи инсоф берсин.

Бу одамлар «Сен етим эмассан» фильмидағи «...ок нон, ок нон...» деб шодилдан чапак чалиб сакраган жажжи етим кизчани ёки нон ушогини тераётган онани кўргаганими? Колган нонни куритса, у жуда мазали бўлишини наҳотки билишмайди.

Донишманд Абул Фарож хикоя килали. Бирор каттик нонни сувда ивтишиб, хузур килиб еб ўтирган файласуфни кўриб хайрон бўлибди ва:

— Каттик нонни хам мазза килиб ейиш мумкин эканми? — деб сўрабди.

— Албатта. Мен факат котган нон мазали бўлиб туюлгунга кадар нафсимни тийиб ўтираман, — дебди файласуф.

Биз оталар, кўпти кўрган катталар, аввало, ўзимиз ўрнак бўлиб, тўнимиз пешидан ушлаб келаётган бўшлаб, нонни эъзозлаш одобини ўргатишимиз шарт.

Фауэржон ЙЎЛДОШЕВ

ҲОЛ-

«Хурматли ҳоким бувалар! Сўнгги пайтларда сиз уюштирган томошалардан энг шармандалиси ҳамкасингиз Бухоро вилояти Олот тумани ҳокими Шерали Саломонвинг зўравонлиги бўлди. Зўравонлик қилинишга қилинди, фермер калтакланди, устига-устак, бу «маҳаллада дув-дув гап» бўлди ҳам. Аммо бу воқеага Бухоро вилояти ҳокимининг ярашув саҳнasi уюштириши ҳаммасидан ошиб тушди. Уюштирилган «тадиби» суратларни кўргач, очиги, жуда кўп гаплар менга тинчлик бермади.

Калтак кимнинг бошида синади?

Халқ дарди учун курашиши, уларнинг мағфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг асосий мақсадига айланиши кераклиги ҳақида бот-бот гапирялмиз. Колаверса, бу йоғининг бошида мамлакат Президентининг ўзи турибди. Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқка хизмат қила бошлиди. Инсон ҳукукларининг камситилишига йўл кўйилмаслиги, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, «айбисз айборлар» оқланиши... бундай амалий қадамларни ҳаммамиз ҳис этяпмиз. Иқтисодиётни жадал ривожлантириш мақсадида хорижий сайдёхларга жуда кўплаб имтиёзлар яратилди. Ўзбекистон дунёга бағрини очди. Ҳуллас, ҳамма ислоҳот аввало инсон омили учун бўлиши кераклиги йўлида катта кашлашган.

Албатта, бу ишларни бекаму кўст олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси учун фақат бир киши масъул бўла олмайди. Кўйилган мақсад сари аввало ўзингиз раҳбарлик қилаётган худудни ўзингиз олға бошлашингиз керак. Аммо сиз қилаётган хўжакўрсига ишлар — усти ялтироқ қилиб топширилаётган намунавий ўйлар, фақат катталар ўтиши учунгина асфальтландаётган кўчалар, катта бир лойиҳани бошлаётган тадбиркор қолиб, кимнингдир «жияни» бўлган «учар»ларга ажратилаётган ерлар... охир-оқибат кимга зарар бўлиши, кимнинг оёғидан тортиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Тўғри фаҳмладингиз, буларнинг ҳаммаси сиз раҳбарлик қилаётган худудни, шу ерда яшаётган одамлар ҳаётини орқага тортади холос.

Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарни ривожлантириш, аҳоли ишсизлигин камайтириш, одамлар даромадини ошириш мақсадида

МЕНИНГ НАЗАРИМДА

Бир дақиқадан бир соат афзал, нега?

Ҳар гал коммунал хизматлар учун тўлов қилгани кассага борганимда бир хил манзара гуч келаман: одам кўп бўлади. Узундан-узун навбатни кўриб ўйлаб қоламан, бугунги ахборот технологиялари асрода ишлатган газимизу чироғимиз пулини кўлимиздаги мобиль телефон орқали тўласак бўлади-ку! Бунинг учун маҳсус тизим хам яратилган. Хўш, нега шундай қилмаймиз?



Очигини айтсан, камина учун хам бир дакика ичиди мобиль телефондан кўра, бир соат навбатда турив кассада тўлаган афзал. Негалигина аниқ билмайман. Квитанция, муҳр бўлгани учундир балки. Ҳарқалай, эргата, дейлик, худудимдаги «Махсустранс» корхонасидан бирор маълумот олиш зарурати туғилганда, мана шу қоғозлар аскатади.

Аммо шундай бўлган тақдирда хам айни пайтда бунинг ахамияти колмади.

Жорий йил 1 январдан бошлаб, нотариуслар уй-жойнинг коммунал хизматлардан қарз өнгажди ҳақидаги ахборотни тақдим этиши ишга тушди. Улар барча виртуал тўлов тизимлари билан интеграциялашди. Бугун бу тизим Тошкент

шахрида ишламокда. Шу тарика фуқора ва ташкилот кўрсатилган хужжатлар ва маълумотномаларни мустакил равишда тўплаш заруратидан халос бўуди.

Ортиқча саргардонликсиз, ўтирган жойда туриб бирпастда тўланган «виртуал» пуллар хам шу захотиёк истемолчининг хисобракамига тушади. Click, Payme кабилардан тўласак хам яхши нарса йўкотмаймиз.

Хўш, у холда нега шу усулдан фойдаланмаймиз? Ё тарғибот камми? Ёки хали бунга тайёр эмасмиз? Ёки ишонмаймиз? Бу каби тўловларни хозирги замонга мос усула амалга оширишга бизга нима ҳалакит беряпти?

Сиз нима деб ўйлайсиз?

Шукrona RASULOVA,
Чилонзор тумани

ВАНИ ҲОКИМ ЕЙДИ...(МИ?)

Ҳоким буваларга очиқ хат

Охиригай пайтларда айрим вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг «хурмача» қиликлари оммага ошкор бўлиб, аҳолининг, қолаверса, миллионлаб юртдошларимизнинг норозилигини келитириб чиқармоқда. Энг ёмони – ҳоким буваларнинг газабига кўпроқ кўл остидагилардан ташқари, фермерлар, ўқитувчию шифокорлар, қийинчилликдан арз-дод қилиб борганлар, пул топиш илинжидаги хорижга чиқаётган «гастарбайтер»лар дучор бўлаётгани ва жабрини тортаётгани аянчли. Булар ҳақида ҳоким буванинг ўзларидан изоҳ олишининг умуман имкони йўқ. Кабинетига борсангиз – жойларга чиққан, «жойлар»га излаб борсангиз – «юқоричуннинг топшириги билан кетган... хуллас, тополмайсиз. Шу боис уларга айтмоқчи бўлганимизни хат орқали йўллашга қарор қилдик (гарчанд ҳоким буваларнинг газета ўқимаслигига амин бўлсак-да, газета ўқиганлардан эшишиб қолар деган умиддамиз). Дарвоҷе, бу гаплар ҳамма ҳокимга бирдек тегишли эмас, гап ўз эгасини топади.



Сиз ҳокимларга кўп ва хўп имтиёзлар яратилди. Ҳатто тўплаган солиқларингиз ҳам ўзингизда қолади. Хуллас, барча имкониятларга эга бўлдингиз. Сиздан талаб қилинадигани эса фақат ҳалқининг хизматида бўлиш.

Яраш-яраш қиласми...

Хўш, энди айтинг-чи, сизлар хизматчимисиз ёки муштумзўр? Мен иш талаб қилипман, шахсий ишимни сўраганим йўқ дейсимизми? Кенирасиз, ҳамма ўз ваколати доирасида зиммасидағи вазифани бажариш учун муштумзўрлик қолаверса, биласизми нима бўлади? Модомики, сиз уриб-сўкиб талаб қилаётган экансиз, демак, соҳада нимадир муаммо бор. Шунинг учун иш жадал кетмапти. Уша соҳа вакиллари билан ҳеч дилдан сұхбат қуриб кўрганимисиз, уларнинг дарду ташвиши, оиласи, бола-чакаси ҳақида хабарингиз борми? Ахир, шу пайтгача мажбурийлик тамғаси остида қилинган қанча ишларнинг «мисси» чиқяпти-ку! Улар келитирган йўқотиш-

лар-чи, унинг ўрнини қолаб бўладими?

Ўқитувчини, фермерни савалаяпсиз, қасам ичиряпсиз, кўл остингиздаги ходимларни сувга тушириб кўймоқдасиз. Ҳалқда «Холвани ҳоким ейди, калтакни етим», деган гап бор. Бу жуда топиб айтилган гап. Катта вилоятнинг раҳбари сифатида «қулоқсизлиги» учун пўстаги қоқилган фермерни муштумзўр ҳамкасбининг билан яратириб қийинчингиз таҳсинга лойиқ. Лекин ҳамманинг ичидаги бир фуқаронинг манфаатларини камситгани етмагандек, уни дўйпослаган, мажбурлаб, ҳисобидаги пулни бошқа фермерга ўтказдирган, бу ишга кўл остидаги қонун ҳимоячилари — ички ишлар ходимларини араплашибириб, жабрланувчингиз ўйидан зўрлик билан муҳрни олиб чиқартирган туман ҳокимининг айбина шу тариқа хаспўшлана қанчалик адолатдан? Бунақ яратшириш бир-бiri билан ўйинчоқ талашиб, уришиб қолган иккиси боғча боласини муросага келтираётган боғча опага кўпроқ ярашади назаримда.

Онангни қози ҳақорат қилас...

Яна бир савол: борди-ю, фермер ҳокимни савалаганда (гипотезани қаранг!) ҳам, ҳурматли вилоят «кatta»си, шу йўлни тутармидингиз? Менимча, асло йўқ. Бунақ воқеа содир бўлганича йўқ, бўлмайди ҳам. Ахир, биз андишли, ўзидан «кatta»ларга сўзсиз бўйсундаги тинчликни қадрлай-диган ҳалқмиз. Қолаверса, сизлардек амалдорларни дўппослашнинг оқибати нима бўлишини, унинг тақдирни қандай якун топишини эси паст одам ҳам жуда яши билади. Сабаби, жаноб ҳокимнинг қўли жуда кўп жойга етади-да. Отабоболаримиз ҳам «Ўйнашмагин арабоб билан, арабоб урад ҳар боб билан», дебекор айтмаган.

Ҳалқда «Худо назар қиласа, эшак бозорга даллол ҳам бўлолмайсан», деган яна бир ҳикматли гап бор. Бугун сизга Яратганинг назари тушиб, шундай дарражага эришибисиз. Лекин ҳалқ барбири катта куч — нафрати ҳар қандай баланд даражани ер билан битта

шу каби муаммолардан бе-хабар бўлишингиз учун ўзга саёрада яшашингиз керак, менимча. Хўш, нега уларни бартараф этиш йўлларини изламайсиз?

Бир ўйлаб кўринг, сиз ва сизнинг фарзандларингиз барча шарот яратилган ис-синк уйда мириқб үхлестган вақтда бошқа бир хонадоннинг фарзандлари совуқда қотиб қолмаслик учун ностандарт иситиши воситаларидан фойдаланиш оқибатида ис газидан ҳалок бўллати. Сизнинг фарзандларингиз юмшоқ ва қулай машиналарда равон йўлда мактабга бораётган бўлса, чекка бир қишлоқ болалари лой ва балчиқ босиб, кўпrik бўлмагани учун сой кечиб ўтяти. Хуллас, сизда ҳаммаси жоида, лекин бошқаларда-чи?

Туманлардаги ҳоким буваларга сўнгги русумдаги қимматбаҳо машиналар олиб берисиз. Буни яна саёхларни олиб юриш учун, дея изоҳлабсиз. Айтинг-чи, ўша сизнинг туманингизда вояга етмаган иккиси фарзанди оғир хасталикуча чалинганидан, шўрлик отанинг уларни даволатишига маблағи йўклиги, мажбурлигидан бир томонини кўтаради, демоқда. Лекин ҳеч ўйлаб кўрганимисиз, сиз ўқитувчиликда ёки фермерни хасталикуча чалинганидан, ҳарбанинг борми?

Бугун мамлакат раҳбари жон куйдириб, туризмни ривожлантирайлик, саёхёларни кўпроқ жалб этайлик, бу иқтисодимизнинг бир томонини кўтаради, демоқда. Лекин ҳеч ўйлаб кўрганимисиз, сиз ўқитувчиликда ёки фермерни хасталикуча чалинганидан, ҳарбанинг борми?

Хурматли ҳоким бувалар! Сизларга катта ишонч билдирилдими, марҳамат, худудингизда яшаётган ҳар инсон ҳаётига масъул эканингизни унутманг. Агар кимдир сизнинг шу эл манфаати ўйлидаги қонуний топшириғингизни бажармаятими, марҳамат, унга қонуний чора кўринг. Аммо сизнинг ноқонуний топшириғингизни бажармаса, ундан фақат ҳурсанд бўлишингиз керак. Чунки араванинг тортадиганлар ҳам ана шундай «ҳаққини таниган» одамлар бўлади.

Агар бунга кучингиз ва салоҳиятингиз етмаса, давлат раҳбари талаб қилганидек, ҳалқ кутганидек адолатли ишлай олмайсизми, марҳамат, майдонни бўшатинг. Юртини севадиган, ҳалқка чин маънода елкадош бўладиган ходимларга йўл беринг».

Фуомжон АҲМАД

ҚҚС: «мен айбдор эмасман!..»

Мутасаддилар журналистлар билан «жанг»да барчасини ошкор қилди



Янги йилдан кўплаб истеъмол товарлари баҳоси кўтарили. Умумовқатланиш ошхона ва кафеларида нарх-наво ошиди. Супермаркетларда айрим маҳсулотлар пештахталари бўшаб қолди. Тадбиркорлар булаарнинг барчасини янги тартибда жорий этилган қўшимча қўймат солигига (ҚҚС) боғлашмоқда. Аслида ҳам шундайми ёхуд ҚҚСнинг янги мезонлари молиячи ва солиқчилар томонидан охиригача чукур ўйланмаган ислоҳотми? Нима учун тегиши қарорлар қабул қилиниб, амалиётта жорий килингандан сўнг айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ҚҚСдан озод этилди?

Нега ҚҚСга ўтилди?

Жорий йил учун белгиланган давлат бюджети параметрларида ҚҚСнинг улуши энг юқори бўлиб, 35 фоиздан ошади. Демак, уйбу солик турининг қамрови сезиларни кенгайди. ҚҚСнинг бундай кенг миқёсда амала жорий этишини кўплаб баҳсли мунозараларга ва тушунмочиликларга сабаб бўлмоқда. Колаверса, солиқнинг соддалаштирилган умумбелгиланган тартибарида тоифаларга ажратилиши ҳам бунга замин бўлди.

— Янги солик конунчилигига кўра, пул айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари иктиёрий равишда ягона солик тўловчиси бўлиб колиши мумкин.

Шу билан бирга, пул айланмаси 1-3 млрд. сўм атрофида бўлган юридик шахслар учун соддалаштирилган ҚҚС ҳам жорий этилди. Бу ҚҚСга ўтиш даврини юмшатиш максадида яратилган икки йиллик (2021 йилнинг 1 январисигача) имтиёздир. Яъни, ялпи тушуми 3 млрд. сўмдан ошмайдиган солик тўловчилар ҚҚСни соддалаштирилган тартибда тўлаши мумкин. Стандарт (умумбелгиланган тартибдаги) ҚҚС ставкаси 20 фоиз бўлса, соддалаштирилган тартибда базавий ставкаси 7 фоиз килиб белgilанди. Савдо фоалиятига 6 фоиз килиб туширилди.

Албатта, оддий одамлар учун ҚҚСнинг тоифалари ёки ставкалари эмас, дўкон пештахларидаги маҳсулотлар нархига бўлган тасири кизик. Мазкур ислоҳотлардан кутган умид ва ишончимиз ҳам айнан маҳсулот ва хизматлар нархи таркибидаги солик юкининг пасайшидир. Назарияда ҚҚС солик тўловчиларнинг узилмас «занжирини» хосил қилиш мухим. Бунда «занжирининг барча катнашчилари биргаликда фракат 20 фоиз ҚҚС тўйлайди, маҳсулотдаги солик юки аввалги ягона соликка нисбатан камаяди. Табиийки,



— Бу нимани англатади?

Энди ушбу

тоифа юридин шахслар ҚҚС, фойда, мол-мулк, ер соликлари, сувдан фойдланганлик учун солик ва бошка ажратмаларни тўлаши лозим бўлади. Бунда ҚҚСнинг 20 фоиздан базавий ставкаси саклаб колинди.

ҚҚС билан нарх тушиши керак. Амалда-чи?

Нарх ошиди, аммо...

Амалда, жорий ойда умумий овқатланиш шохобчаларидага 15-20 минг сўмлик бир порция овқат ўртмача беш минг сўмга қимматлаши. Биз айрим ошхона ва кафелардан бунинг сабабини сурншитрганимизда, улар буни ҚҚС билан боғлашид.



Айдар Кошанов,
Давлат солик кумита-си бошқарма бошлиғи:

— Умумий овқатланиш корхоналари ўтган йили 10 фоизли ягона солик тўловида бўлган. Айтайлик, 10 минг сўмлик бир порция овқат таннархидага зарур микдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари харажати билан биргаликда 10 фоизли ягона солик ҳам турган. Яъни, ушбу солик таом нархидан аввал ҳам бўлган, аммо чекда (ёки ҳисоб-фактурада) бу кўринмаган. ҚҚСда эса бу ҳар доим кайд этилди.

Масалага овқатланиш муасасасини соддалаштирилган ҚҚС тартибидаги солик тўловчи мисолида ёндашайлик. Уларга ҚҚС ставкаси 10 фоиз килиб белgilangan. Яъни, ўтган йили 10 фоизли ягона солик ставкаси билан бир хил. Демак бу холатда нарх ошишини соликларга боғлаб бўлмайди.

Буни шундай изоҳлаш мумкин. Айрим умумовқатланиш корхоналари соддалаштирилган ҚҚС тартибига ўтганига қарамасдан, ўтган йили 10 фоизли ягона солик микдорини ҳам харажатга киритиб кўйиштган. Мана шундай тушунмовилини бўлган пайтда корхона ислоҳотларидаги солик идорасига мурожажат этиши зарур. Ҳукумат топшириғи биноан, ҳар 10 тадбиркорлик субъектига бир нафар

солиқчи биринкирилди. Янги солик тартибига ўтилаётган ушбу пайтда ҳар бир солиқчи корхонага бориб, уларнинг хисоб-китобига ёрдам берини вазифаси юклатилган.

Супермаркетлар нега бўшаб қолди?

Савдо марказларида айрим пештахталар бўшаб қолганини кўрсатмиз. Биз сурншитган кичик бизнес вакиллари ҚҚС уларнинг фаолиятига катта таъсир ўтказганини айтишимоқда. Ҳусусан, супермаркетлар кишилек ўзжаласи маҳсулотларини қўйта ишлаб чиқарувчилардан (ҚҚС тўловчиси бўлмаган) товари таннархидага ҚҚС ҳисобда олинмагани учун сотиб олишидан бош тортисиган.

Дилшод Султонов, Молия вазири ўринбосари
— Эътибор беринг, маҳаллий маҳсулотларни бир четта қўйта урайлик,

агар уларнинг етишмаслиги ҚҚС билан боғлиқ бўлса, супермаркетларда импорт товарлар ҳам йўқолиб колди-ку. Ваҳоланки, импорт маҳсулотлар божхонадан ўтишида аввал ҳам ҚҚС тўлаган.

Агар товарлар нархини шаклантириша ҚҚС инобатга олинган бўлса, унинг нархи ҳозир пасайши керак. Мисол учун, мен 1 АҚШ долларига кир ювни кукунини импорт килдим. ҚҚСни тўлагандан кейин унинг қўймати 1,2 долларга кўтарилади. Унга ўзимнинг 20 фоиз устаммани қўйб, 5 фоиз солик тўлаб, чакана сотувчиларга топпирсан, маҳсулот киймати 1,4 доллар бўлиши керак. Оддий ҳисоб-китобда шундай чиқди. Бирор импорт килинган маҳсулотлар ҳам йўқолди. Сабаб нима? Жавоби оддий. Аслида импорт бўлмаган (ёки божхонани қандайдир ўйлар билан айланб ўтсан. Тарх). Ҳужжат ўйк. Савол туғилади, бу маҳсулот кәрдан пайдо бўлди? ҚҚС тизими билан ишлангандага, албатта, ҳисоб-фактура талаб этилади. Агар фактура мавжуд бўлmas, маҳсулот кәрдан олинган деган табиий савол келиб чиқади?..

Шу ўринда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолияти бора-сида бир муҳоҳаза. Ички ишлаб чиқаришда мисол учун, пистани оламизми, писта ёғиними, маҳсулотга кўйилган устамани кўриб, очиғи, кўркиб кетасиз. Солик концепциясини жорий этиш жараёнинг турли соҳа вақиллари, ишлаб чиқарувчилар билан учрашувлар ўтказдик. Устама савдолда 20 фоиз, ишлаб чиқарувчидаги 17 фоиз белgilangan. Аммо литри ўртacha 2600 сўмдан олинган сут 7500 сўмдан сотилмоқда. Ҳа, бугун бозор кўтаришлини бу нархни. Энди инсоф сари барака бўли-

ши керак-ку. Тўғри, кадоклаш, транспорт ва бошқа ҳаражатлар бор. Аммо 2,5 баробар (17 фоиз эмас) нарх кўйилиши, бу энди инсофзизлик.

Бугунги айрим тадбиркорлар сотиб олган ускуна ҳаражатини бир йилда чиқариб олсан дейди. Тадбиркорларимиз режалаштириши ўрганиши керак. Буни тартибига солиқнинг ўйли фақат бозор талаби. Агар бозор кўтарса, нарх ошавадари.

Давлат солик кўмитаси расмийларининг таъкидлашича, солик тўловчилар ҚҚСни ҳисобга олиш механизмининг афзаликларини охига ҳисоб-китоб қўймасдан, соддлаштирилган ҚҚС режимини қўллашга интишмоқда. Оқибат ҚҚСни «занжирни» ҚҚС тўловчи бўлган мол етказиб берувчилар билан узилмоқда ва уларнинг иштисодий кўрсаткичларига ҳамда нархларнинг сунъий кўтиарилшига олиб келиши кузатилмоқда.

Имтиёзнинг имтиёзлиги қолдими?

Айрим импорт товарларга ўрнатилган имтиёзлар билан ҚҚС ўтасида номутаносиблик келиб чиқди. Республикаимизда ётчоға эктиж ююри. Шу сабаб ётчоғ импортига имтиёз берилган. Бундан кўзланган максад нархни пасайтириш. Янги солик тартибига ўтгандан сўнг, имтиёз билан кирил келган ётчоғи савдога чикканда ҚҚС кўлланилиб, нархи ошиб кетди. Бу ерда имтиёзнинг имтиёзлиги қолдими?

Бундай холатни тўқимачилик маҳсулотлари чакана савдосида ҳам кузатиш мумкин. Пахтани сотиб олишдан тортиб, кайта ишлаш жараёнидаги барча «занжирни» ҚҚС озод этилган. Якуний боқсичда, яъни чакана савдога чикарилганда ҚҚС кўшилинилди.

ҚҚС жорий этилгандан сўнг ички бозордаги вужудга келган бундай вазият борасида юқоридаги савол-жавоблар ўзбекистон матбуоти ва ахборот агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган солик сиёсатини тақомиллашириши ва иштисодий самарадорлик мавзусига оид матбуоти анжуманида кўриб чиқади.

Тадбирда шунингдек, янги солик тартиби кўлланилиши жараёнидаги вужудга келган муммалолар юзасидан мулоҳаза ва тақлифлар ҳам ўртага ташланди.

Аслида солик мажбурий ўндириши эмас, иктиёрий тўланиши керак. Солик тўловчиларда бундай масъулият ва ишончи янги солик қонунчилиги таъминлай оладими-йўқми, буни вакът кўрсатади.

Бахтиёр ҲАМИДОВ,
«Оила даврасида» мухбари



«ЎЗАГРОСУҒУРТА»
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ (АЖ)

Суғурта бозорида энг муҳими – ишонч

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг Хоразм вилояти дирекцияси жамоаси ахолига муҳим сұғурта хизматларини тақлиф этиб, зарур ҳолларда сұғурта түловларини ажратыпти.

Умид ҳеч сұнмасын

Азалдан одат шунака. Ҳаёт оқ ва кора ранглар чашмасынан, тун ва кун алмашинуви, шодлик ва қайту омухталиғидан иборат. Шу маънода, ҳаётда бири-бирининг зидди бўлган ҳолатлар хам учраб туради. Айтайлик, иши гуруллаб турган тадбиркор ёки бирор корхонанинг фаолияти қандайдир тасодиф туфайли така-так тўхтаб колиши мумкин. Агарда шундай ходиса содир бўлгудек бўлса, ким унга биринчи ёрдамни бера олиши мумкин? Албатта, сұғурта компанияси! Сұғурта оғир ахволга тушган ҳар кандай кишининг жонига биринчи бўлиб оро киради, иккى оёқ бир этикка тикилганда ёрдамга келади. Янада аникрок килиб айтадиган бўлсак, синиша арафасида турган корхона ёки тадбиркор ёхуд оддий бир фукарони имкон қадар зарур микдордаги маблаг билан кўллаб-куватлайди. Оқибат қиска муддат ичда мазкур корхона каддини тикилаб, бургут мисол канотини кенг ёза бошлайди. Шу билан бирга, уни тушкун кайфият батамон тарқ этади. Бора-бора унинг қалбида ўзини чўкаётган маҳали сувдан куткариб олган ҳалоскорига меҳр ва мухаббат, хурмат, ишонч, умид пайдо бўлади. Биласиз, умид одамини ҳаётда янгидан-янги муваффақият ва хали забт этилмаган давонлар сари бошлайди. Буни қаранг, жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида ҳам мижозлар бошига оғир кун тушганида сұғурта компаниясига бемалол суняниши. Агар таъбир жоиз бўлса, фарзанд ўз отасига ишонгани, сунягани каби.

Хўш, бу борада мамлакатимиздаги мавжуд сұғурта компаниялари амалга оширилаётган ишларда бирмунча жонланиш ва ошкоралик кузатиляпти. Бунда, энг биринчи навбатда, хориж тажрибасини кунт билан ўрганиши, амалиётга татбик этиш зарур бўлади.

Халқаро ётирофга лойик

Бозор иктисадиётининг ўзини яраша талаби ва тутумлари бор. Кимки, ана шу талабларга оғишмай амал қилсанга, у кўзлаган мақсадига албатта, эришади. «Ўзагросуғурта» ак-

циядорлик жамияти ва унинг вилоятларда фаолият юритаётган бўлимларида ана шу масалалар доимий ётиборда бўлиб келмоқда. Айниска, тузилаётган сұғурта шартномалари, ҳудудий бўлимлари географияси ва сұғурта мукофотлари тушуми бўйича республикада олдинги ўринларни банди этиб келмоқда. Очиги, мамлакатимиз сұғурта бозорида фаолият юритаётган ўттиздан ортик сұғурта компаниясидан фақатгина иккитасигина ҳалкаро рейтингга эта бўлса, шундан бирни мазкур сұғурта компанияси хисобланади. Негаки, бугунги кунда жамият юздан ортик мажбурий ва ихтиёрий сұғурта хизматларини мижозларга тақлиф этмоқда.

— Тўғри, ахоли орасида сұғурта компаниялари тақлиф эттаётган мажбурий ва ихтиёрий сұғурта хизматларига бўлган қизиқиши секинасталик билан бўлса-да ортиб бормоқда, — дейди «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Хоразм вилояти директори Сардор ХУДОЙШУКУРОВ. — Лекин бу бутунги тезкор давр учун етарли эмас. Назаримда, қандай бўлмасин фуқароларнинг сұғуртага бўлган ишончини ошириш керак бўлади. Аслида биз кўтараётган мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳани изчиллик билан ривожлантиришга оид бир катор карорларида ҳам ўз ифодасини топган. Колаверса, ушбу ҳужжат зинмамизга залворли масъулнят юклайди. Шу максадда вилоятининг Хива, Кўшкўпир, Гурлан, Урганч, Хонка, Богот, Янгиарик, Янгибозор, Ҳазораст, Шовот туманинга Урганч шахрида кенг кўлами тадбирлар амалга оширилмоқда. Ахолига сұғуртанинг мазмун-моҳияти, ҳаётимизда тутган ўрни ҳаётий мисоллар кўмагига атрофлича тушунтириб борилмоқда. Энг муҳими ва асосийси, ходимларнинг узлуксиз олиб бораётган ташвикот ва тушунтиришлари натижасида «Ўзагросуғурта»нинг сұғурта хизматларига бўлган талаб анча-мунча ошгани кузатиди.

Сардор Худойшукурининг айтишича, биргина ўтган йилнинг ўзида вилоят филиали ва мавжуд ҳудудий бўлимларда белгиланган режа ва кўрсаткичларни ўз муддатига

бажариш мақсадида яхшиги на шијоат кўрсатилди. Буни ётиборингизга ҳавола этилаётган куйидаги ракамлардан ҳам билса бўлади: 2018 йил хисобот даврида вилоят бўйича 13 миллиард 933 миллион сўмдан зиёд сұғурта мукофотлари йигилиб, режа 135 фоизига бажарилди. Бу 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 4 миллиард 548 миллион сўм ортикка мукофот тушумлари амалга оширилиб, 148 фоиз ўсишга эришилди дегани. Албатта, бу ишларнинг бариси ўз-ўзидан бўлиб қолтаги йўқ. Биласиз, бунинг замонида темир интизом ва машақатли меҳнат ётади.

Деҳқон ризқ яратар

Ердан ризқ-рўз яратиб, фаронлигимизни қанда қилмасдан таъминлаб келадиган мард ва тантан, орнатиши миришкорларни мизор. Улар эрта кўйламдан бошлаб, то кузак оёқлагунга қадар даладан бери келмайди. Хуллас, бу тоифа юрса ҳам, турса ҳам факатгина экинини ўйлади. У ҳудди гўдаги атрофия парвона бўлаётган келинчак сингари сира нари кетмайди. Лекин йил бўйи килинган меҳнатни биргина табиат инжиклиги кўкка совуриши ҳам кеч гап эмас. Бундай вазиятда унинг егани ичига тушмайди. Чиндан ҳам ҳаёти, бола-чакаси ризқ-насибаси, шириклиги факатгина ана шу экин-тикин билан боғлик одамнинг ҳолига маймунлар йиглаши турган гап. Хўш, экин табиат инжиклиги сабабли яхши битмади. Деҳқон зарар кўрди. Бундай кезда унинг жонига сұғурта компанияси оро кириши керак эмасми? Ҳудди шундай. Масалан, Хоразм вилоятининг Хонка, Богот, Шовот, Кўшкўпир, Янгиарик, Янгибозор, Хива, Урганч, Гурлан, Ҳазораст туманинди миришкорларга кам хосилли бўйича кўрилган зарар тўлаб берилди. Агар бу иш ўз вактида уддалмаганда, миришкорнинг кўп нарсадан хафсаласи пир бўлган бўларди. Умуман олганда, минтакада «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти вилоят

филиали ва ҳудудий филиаллари сабый-харакати билан кишилк хўжалиги соҳасида маҳсулот этиширилаётган фермер, томорка эгаларининг мушкули осон этиб бориляпти.

Тўловлар вақтида берилса...

Ахоли сони ўсиб боргани сайин, табиикни, унинг сұғурта турларига бўлган қизиқиши ошиб бориши табий. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғуртаси турни бўйича бир миллиард сўмдан ортик сұғурта товони тўлаб берилган. Мазкур тўловларнинг сұғурта товошлиарида улуши саккиз миллион олти юз минг сўмга, гаров сұғуртаси бўйича режа бир миллиард уч юз етмиш етти миллиард сўм этиб белгиланган бўлиб, иккى миллиард беш юз етмиш олти миллионга, ипотека кредитини сұғурталаш уч юз йигрма беш миллиондан ошиқка, мактаб ўқувчиларни баҳтиси ходисалардан сұғурталаш бир юз етти миллиардан зиёдга, сұғурта кайтмаслигини сұғурта килиш бўйича саккиз юз олтишиб уч миллиард сўм ортикка маблағлар ундиришига мажбурий сұғуртасидан 12 та холатда 277,5 миллион сўм, транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғуртасидан 102 холатда 394,9 миллион сўм, гаровга кўйилган мол-мулжаларни сұғурталаш бўйича 7 та холатда 42,2 миллион, баҳтисиз ходисалардан 604 та холатда 130 миллиондан ортик сўм ва бошка турлардан 341,4 миллион сўмни ташкил эти.

Хулоат килиб айтганда, «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Хоразм вилояти филиали ва унинг ҳудудий бўлимлари ишида жонланиш, даврга ҳамоҳанг тарзда илдамлаш якъол кўзга ташланмоқда. Негаки, сұғурта ривожланган барча давлатларда аллакачон сифатли ва кафолатли хизмат кўрсатиш кун тартибидаги масалага айлануб ултурган. Шунданди, соҳа ходимлари юзлаб сұғурта турлари билан одамлар калбига кириб боришига астойдил тиришиб-тирмашмоқда. Зоро, фуқаронинг мушкулини осон этмоқнинг савоби жуда ҳам улкандир.

Малака оширилмоқда

Соҳада фаолият юритаётган ходимнинг вакти-вакти билан билим ва кўнікмаси ошириб борилмаса, иш бир жойда силжимасдан туриб колади. Бу эса бажарлаётган иш сифатига салбий таъсир этмасдан колмайди. Шунинг учун

Улугбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухабири

Хизматлар лицензияланган.



Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жамоаси аҳолини сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлашга қандай хисса қўшмоқда?



Сифатсиз маҳсулот бозорга кирмаслиги учун...

...Чор-атрофи түяниг ўркачани эслатувчи, тўлкинсимон кирдирликнинг шундоккина этағида каштагина еримиз бўларди. Ана шу жойга бобом ҳар бахорда ковун ургути қадарди. Астойдил ва сидидидан килинган меҳнат туфайли ковунлар пишиб етилганида, унинг хиди бутун далани тутиб кетарди. Хуллас, бобом кечкурун узилган ковунларни саралаб машинага авайлаб ортари, лат эмасин деб. Факатина бозорда у танланган ковунни харидорга таклиф этарди. Қизикишим устун келиб, бунинг сабабини сўрадим. Шунда бобом охиста томок кирди-да, тушунтира кетди: «Болам, ҳамма нарсанинг сифатлиси, яъни сараси яхши. Негаки, бундай маҳсулотни ҳарид киглан одамнинг кайфияти кўтарилиб, баҳриди очилади. Колаверса, факат экологик тоза маҳсулот одам учун фойдали ва зарур» деганди дона-дона килиб. Тўти, бу гапларга ҳам неча-нечча ковун пишиги бўлди. Аммо кулогим остидан бобомнинг сифатлисига етмайди деган гапларни сира-сира кетмайди.

Қарор ва ижро

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида аввалдан мавжуд бўлган тутумларнинг аксар кисми маънан эскирган, янада аникроқ килиб айтгандан, истеъмолга яркоқсиз ҳолатта келиб колган эди. Бу эса ишнинг ўз муддатида, сифатли ва кафолатли тарзда бажаришга монелик килиларди. Бундан ташкари, истеъмолчилар кўпгина ечими чигал масалалар билан корхона эшигини көкарди.

Эндилиқда бундай салбий холат билан муросасиз килинган. Аслида ту тўкинилк ва фарвонликдан нишона. Аммо бозор ва пештахтадарда сотилаётган маҳсулотларнинг барини ҳам бирдай сифатли ва ҳавфиз деб бўлмайди-да. Уларни айрим устомон «тадбиркор»лар кандайдир йўллар билан мамлакатимиз бозорларига олиб кирайтгани ҳам, афуски, ҳакиқат. Назаримда, бундай кимсалар учун эл-юртнинг соғлиғидан кўра, хуфёна келтириладиган ўша маҳсулотдан коладиган мўмай фойда кўпроғ кизик. Давлатимиз бундай нафс бандаларига карши муросасиз курашишига карамасдан теварак-атрофимизда ана шундайлар бариб торпилади. Бэзизда билиб-билимай ана шундай сифатсиз маҳсулотларни ҳарид қиласиз. Аммо истеъмол килинган бу маҳсулот соғлиғимизда салбий таъсир этмай колмайди. Шунинг учун ҳаридор ҳам ўз ҳак-хукукини яхши билиши, сотиб олаётган маҳсулотларнинг сертификати билан албатта кизикиши зарур. Бу кўпдан-кўп кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Бу борада Хоразм вилоятida ҳам аник ва мақсадли ишларга кўл урилди. Вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази

давлат корхонаси жамоаси минтақадаги тегиши ташкилотлар билан ҳамкорликда озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг ҳалқаро андоза ва талабларга жавоб беришни доимий тарзда назорат этиб боради. Натижада минтақага турли айланма йўллар оркали ноконуний равишда кириб келаётган сифатсиз маҳсулотлар кам бўлса-да учраб турибди. Мақсад ана шундай маҳсулотларнинг кириб келиши ва узил-кесил чек кўшишдир.

Алишер Худойбергановнинг айтишича, мазкур қарорлар ижросини таъминлаш ва тадбиркорларга таълим, муносиб шароит яратиш максадида божхона постларига малакали мутахассислар биринчирилган экан. Улар четдан юртимизга кириб келаётган ва ҳурижга чиқарилётган импорт-экспорт маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнини божхона постларининг ўзида амала оширади.

Аҳоли учун қулалил

Минтақа аҳолисининг асосий кисми марказдан олис — қишлоқовулларда истиқомат қилилар. Бунинг ўзига хос нокулай ва мушкул жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Дейлик, кўплаб онлар рўзгори учун аскатидиган маҳсулотларнинг аксар кисмими ўз томорқасида етишиширади. Ҳарна бу ҳам рўзғорнинг бир томонини кўтарида-да. Айниска, қишлоқда катта шаҳардаги сингарни исисик сув, газ узулксиз келиб тургани йўқ. Устига-устак, дард устига чипкон деганларидек, аҳолини кўпдан бери кийнаётган муаммолардан бири бу газ, электр хисоблагичларини вакт-соғти билан давлат стандартидан ўтказилмаётгани эди. Шу масалани ҳал этиш учун шахарга тушсангиз, бир кун овора бўлишига тўғри келарди. Шундай бир пайтда фуқаролар учун қулалил яратилди. Яъни, аҳолига якин, кулагай манзилларда электр, газ, совук сув усуқуналари хисоблагичларини стандарт синовидан ўтказиб берадиган шоҳобча иш бошлади. Бу ортиқча оворагарчилик ва навбат талашишларга чек кўйди. Минтақада зарур шарф-шароитлар яратиган берилган бундай шоҳобчалингиз ишидан фуқаролар мамнун. Келажакда улар сонини янада ошириш кўзда тутилган. Мальумки, вилоятда тадбиркорликни йўлга кўшиш

ниятида юрган гайрат-шилоатли, эпли, ишнинг кўзини биладиган инсонлар истаганча топилади. Бундай эзгу ниятни дилига жо эттан тадбиркорларга сертификатлаштириш, стандартлаштириш соҳасидаги афзалликлар миридан-сиргича тушунтириб борилмоқда. Мақсад минтақада ишбильармонлар сафини кўпайтишишидир. Бу бозорларимиз пештахтадарли ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар билан тўлади деганидир. Хуллас, синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жойлашган бинадон тадбиркорларнинг кадами узилмайди.

Иқтисодий зона афзаллиги

Иқтисодий зона ташкил этган мамлакатларнинг кўпчилиги маълум муддат ўтгач, мактоворга аргизигулиятнижаларни кўлга кириштадигандан яхши хабардормиз. Шу боисдан ҳам ривожланишининг янги босқичига қадам кўяётган кўпгина давлатлар ана шу йўлдан боришини мъткул кўради. Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшишимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» карори ижроси юзасидан «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси худудида ҳалкаро талабларга мос келадиган маҳсулотларни стандартизацияни ўтказилмаётгани эди. Шу масалани ҳал этиш учун шахарга тушсангиз, бир кун овора бўлишига тўғри келарди. Шундай бир пайтда фуқаролар учун қулалил яратилди. Яъни, аҳолига якин, кулагай манзилларда электр, газ, совук сув усуқуналари хисоблагичларини стандарт синовидан ўтказиб берадиган шоҳобча иш бошлади. Бу ортиқча оворагарчилик ва навбат талашишларга чек кўйди. Минтақада зарур шарф-шароитлар яратиган берилган бундай шоҳобчалингиз ишидан фуқаролар мамнун. Келажакда улар сонини янада ошириш кўзда тутилган. Мальумки, вилоятда тадбиркорликни йўлга кўшиш

— Бугунги кунда мазкур марказ фаолияти тўлиқ йўлга кўйилиб, «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси худудида фаолият юритаётган мавжуд корхоналарга стандартлаштириш, метрология, сифат тизимлари ва маҳсулотларнинг маркировкалаш бўйича амалий ва консультатив ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди Хоразм синов ва сертификат-

лаштириш маркази давлат корхонаси мутахассиси Жаҳонгир ЖУМАНИЁЗОВ.

— Кўшма корхоналарда тайёрланадиган маҳсулотлар пешма-пеш ҳорижга экспорт килинмоқда. Соҳа ходимлари эса маҳсулотнинг сифати ва дунё андозаларига тўла мос келишини кузатиб боради. Хуллас, мазкур ҳудудда синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жойлашган бинадон тадбиркорларнинг кадами узилмайди.

Хоразм мевалари ҳорижга

Воҳанинг бир учи кенг уфларга қадар чўзилган боғларида пишиб-етилган мевалари ўзининг таъми ва кўрниши билан кўрган кўзни кувнинатди. Эндилиқда бундай сархил меваларнинг ҳорижнинг нуфузли дўкон ва бозорларидан ҳам учратиш мумкин бўлиб колди. Сабаби, уларни ҳорижга пешма-пеш етказиб бериш масаласи ҳукуматимизнинг доимий ўтиборида бўлиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 6 ноңбрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, куритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт куливчиларни кўллаб-куватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» карори айниска, бунга кенг йўл очди. Мазкур хужжатда юкоридаги масалалар аниқ ечим топган. Ўзбекистон Республикасида берилган меваларнинг куливчиларни кўллаб-куватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» карори ижроси юзасидан «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси худудида ҳалкаро талабларга мос келадиган маҳсулотларни стандартизацияни ўтказилмаётгани эди. Шу масалани ҳал этиш учун шахарга тушсангиз, бир кун овора бўлишига тўғри келарди. Шундай бир пайтда фуқаролар учун қулалил яратилди. Яъни, аҳолига якин, кулагай манзилларда электр, газ, совук сув усуқуналари хисоблагичларини стандарт синовидан ўтказиб берадиган шоҳобча иш бошлади. Бу ортиқча оворагарчилик ва навбат талашишларга чек кўйди. Минтақада зарур шарф-шароитлар яратиган берилган бундай шоҳобчалингиз ишидан фуқаролар мамнун. Келажакда улар сонини янада ошириш кўзда тутилган. Мальумки, вилоятда тадбиркорликни йўлга кўшиш

«Хўрзга ҳавасим келади...»

(бир келиннинг қундалигидан)

«Кайнотам паррандаларга жуда меҳри-
бон. Кун бўйи шуларга қарайди. Дон-сувини,
емин беради.

Мен эса, совук кунларда уларга караш-
дан куттилганм учун хурсандман.

Кунлар совуши билан ўзинни ёмон хис-
кила бошлайман. Бутун баданим музлаб,
бирон иш килишга кўймайди. Шифокорга
борсам, «қонинг кам», дейиши. Бунинг
учун томомка яхширок эътибор бериш
керак экан. Молнинг тили, майиз, ёнғок,
асал... дегандай. Шу гапларни хўжайнининг айтсан, «ойликка шошмай
тур», деди.

...Учинчи фарзандин туғилганидан кейин тез-тез бошим айланни,
кузим тинадиган бўлиб қолдим. Кайнонам уч-тўрт марта куритилган
ўрқидан дамлама тайёрлаб берди. Лекин унинг нафиини унча сезганим йўк.
Онамга айтсан, «уйинда макарон шўрвадан бошка овқат пишмаганидан
кейин ҳолинг нима бўларди», дейди.

Ўтган куни хўжайнин ойли олиб келиб, одатдагидай хамма пулни
кайнотамга берди. Кайнотам бозорга бориб, майиз, ёнғок, бодом, лазер
туруч, товук тухуми олиб келиди. Роса хурсанд бўлдим. Уйда неча кундан
бери тобим бўлмай, ранг-рўйим бир ахвол бўлиб юрганимга кайнотам,
барака топсин, мени сийлабди.

Олиб келинган нарсаларни кайнотам айттанидай килип гўшткиймала-
гичдан ўтқадим. Кейин арапаштириб ҳаммасини бир идишга жойладим.
Буларни ҳаммасини ўзим емасдан болаларимга ҳам беришим керак. Улар
камконлика туттилгани учун анча нимжон.

Шу ўйлар билан кичкинамни боғчадан олишга кетдим.

Уйимиз ёнлагида катакда хўрзлар бор. Ҳаммаси зотдор. Кайнотам
уларни қаэрларгарири уришириша олиб боради. Улар уриширганда кўп кон
йўқотар экан. Шунинг учун майиз, ёнғок, асал, бодом арапаштириб, ҳар
куни едириб туриш керак экан. Якинда катта мусобака бўлармиш. Шунда
кайнотамнинг мана шу хўрзси ҳамманикнидан зўр келиши керак эмиш.

Кайнотам шу гапларни менг айтиб, хўрздан кўз узмай, уни боя мен
тайёрлаб қўйлан танисик нарсалар билан озиқлантириради.

Молнинг эса, хўрзга жудаям ҳавасим келди...»



ПАЗАНДАЛИК

ИЛИК ШЎРВА

Танга дармон, ҳазми осон, масалликла-
ри арzon таомлардан бири — илик шўрва
совуқ кунларда кўпчиликка хуш ёкиши,
шубҳасиз. Ушбу таом гарчи айримлар
унча эътибор бермайдиган иликли сукядан тайёрлансан-да, саломат-
лик учун анча фойдали. У темир моддаси ва қалъцияга бой бўлгани
сабаби кексалар ва болаларда учровчи қальций етишмаслиги,
хомиладор аёлларда хомиланинг сукялари ривожланishi пайтида
бўладиган бўйимлар оғриғи, тиш ёмирилиши ва соч тўкилишига
карши курашда аскатади.

Шунингдек, шўрва узок вакт кайнатилгандан сўнг олинадиган
илик бонши башка таомлар тайёрлашда бемалол фойдаланиш,
пишириклар пишириш мумкин. Батзи болалар, ҳатто катталар ҳам
овқатлардан келадиган ёғ хидини ётиришмайди. Илик ёғидан тай-
ёрланган таомлар эса бундан мустанса.

Керакли масалликлар: ўтгача катталидаги 3-4 дона иликли
сукя (молники), сукя вазниндан 2 барабар кўп сув, 5 дона пиёз, 3 дона
картошка, кизил сабзи, лавлаги, шолғом, саримсок, зира, занжабил,
татбага кўра туз ва бошка зираворлар.

Тайёрланиши: қозонга сув кўйилгач, яхшилаб ювий тоза-
ланган сукялар ва туз солинади. Олов баландлатилади. Кайнаб
чиккандан сўнг устида хосил бўлган кўпиклар яхшилаб олиб
ташланади. Сўнг оловни пастилатиб қозон қопқоғи ёплиб, 5-6
соат кайнатилади. Илидан ажрали, шўрва устига чиқиб колган
ёғларни суз арапаштиримасдан ажратиб олиш керак. Кейин зира,
тўғрагларнан пиёз, кизил сабзи, лавлаги ва шолғом содиб, қозон
қопқоғи ёплиб, янга кайнатилади. Пишишига 20 дакика қолганда
картошка солинади, тузи ростланади ва таъбга кўра бошка зиравор-
лар солинади. Шу пайтада кўкательларнинг бир кисмими овқатга
солиш мумкин. Аммо уларни пишган таом устига сепилса, фой-
дали хусусиятлари йўқолиб кетмайди.



...ана шунақа гаплар

ЖАВОҲИР



**Расул
ҲАМЗАТОВ,
авар шоири**

Баъзи ёш новдалар ўзин унтар,
Дерлар рашк соламиз кўп юракларга.
Дўл қўймоқчи бўлиб турган булувлар
Истеҳзоли кулар фўр куртакларга.

Шундай думбуллар бор, кибраниб дер:
«Яшаймиз баҳтиёр, фароғатда биз!»
Баҳт эса уларга раҳми келиб дер:
«Болалар сингари бунча соддасиз!»

(Машраб Бобоев таржимаси)

ДИҚҚАТ, САВОЛ!

10=12

Вакт ҳисобида соатнинг кичик мили бир суткада иккинчи бор учни кўрсатганда ўн беш, саккизни кўрсатганда йигирма сифатида эътироф этилади.

САВОЛ: қандай ҳисобга кўра, аслида «ўн»ни билдирувчи сўз «ўн икки» сифатида кабул килинади?

Жавоблар келгуси хафтанинг сесанба куни соат 15:00 гача қабул килинади.

Электрон манзил:

info@od-press.uz

Телефон:

0 (371) 234-91-82

Telegram:

(+99897) 444-80-84

**Газетанинг 3 (349)-
сонида ўзлон килин-
ган саволнинг жа-
воби:** Жалолиддин
Румий фикрига кўра,
гўзалликни чирой ёки
бошка белгилар эмас,
мухаббат белгилай-
ди. Шунга биноан,
севилган киши севув-
чи учун ҳаммадан гў-
залдир.

**Саволга Ҳусан СО-
ЛИХОВ, Бобоназар
ХУРРАМОВ, Собир
БЎЛТАКОВ, Шарофат
СИНДАРОВА, Бакир
СУЛТОНОВ, Ҳосият
АБДУГАНИЕВА, Ҳа-
нифа ТОҒАЕВА тўғри
жавоб йўллади.**

БИР БОРИБ КЎРИНГ

Писта чақар балиқлар

Баъзида табиат ишига қойил қолмасдан илож йўқ. Негаки,
унинг кудрати ва қаромати туфайли бир-биридан қизик,
ғаройиб воқеалар содир бўлиб туради. Бундан инсон
боласи донг қотади.

Якинда азиз-
авлиёлар, сирли
мўъжизалар юрти
Нуротада бўлдим.
Бутун шаҳар кади-
мий Нурота тоғиз-
маларининг бир бў-
луги бўлган Октов
деб атaluвчи тоғдан
оқиб чикувчи Нур
булоғидан сув ичади.
Арикдаги сувда балиқлар галаси
эмин-эргин, озод сузиб юрибди. Махаллий ва хорижлик
сафоҳҳлар мафтункор «Чашма» тарихий мажмуси ёнлаги
балиқлардан асло кўз узмайди. Балиқлар ҳам буни фаҳмла-
гандек гуж-гуж бўлиб олганича, у ёқдан, бу ёкка сузгани-
сузган. Айтишларича, улар сувнинг соғлиғи, билурдек
тиниклигини таъминлашни узок йиллардан бўён удасидан
чикиб келётган экан. Шунингдек, махаллий ҳалқ орасида
устига белги кўйилган бир балиқни Дехибалаандиа Дехи-
балаанд-Нурота йўлидаги қиялиқнинг кўтарилиш кисмидаги
жойлашган кишлок ва Нуротадаги булоқларда учратиш
мумкин, деган гаплар юради. Бу гаплар авлоддан-авлод-
ларга ўтиб келялти. Бундан чиқди Дехибалаанддаги учта
ва Нуротадаги мавжуд булоқларни боғлаб турдиган сирли
ерости йўли мавжуд экан-да. Хархолда бу таҳминлар ха-
қиқатга анча якин. Бу ердаги балиқларни овлаб бўлмайди.
Улар хозирги кунда давлат муҳофазасига олинган.

Мажмумани томоша килиб юрганимда, мўйлови сабза урган
ёш бир йигитча эътиборимни торти. У булоқ бўйиди сал эн-
кайиб турганича кафтидаги писталардан оз-оздан сув юзига
соарди. Шу маҳал гуж-гуж балиқлар галаси сув юзидан пайдо
бўлди-ю, пистани ҳаш-паш дегунча чакиб ташлади. Сўнgra
«Пистанинг пўчоғини бу ерда зинҳор қолдирма», деган мъ-
нода юзага чиқарди. Шунда кизикишим устун келиб, мен ҳам
кафтидаги писталарни сув бетига сочиб юбордим. Булоқ ти-
никлашиб, бирдан пистачакар балиқлар галаси хозирни нозир
бўлди. Сув тезоб оқувчан бўлганинабибли, писта пўчоғлари
ката кувур орқали шахарга чиқиб кетар экан. Очиги, буни
кўрганларнинг бариси, хайратдан донг котиб қолди. Рости,
писта чакиб ажойиб ва антика томоша кўрсатадиган балиқ-
ларга койил колмай сира иложингиз йўқ.

Улугбек ЖУМАЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Куронбоеv, Шавкат Жавлонов,
Кудратилла Рафиков, Коммуна Ирисбекова, Дилюром
Тошумхамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб
Бўйонов, Муродулло Ҳолмумхamedов, Муҳаммаджон Куронов

Таҳрир манзили: Тошкент шаҳри, 100000, Амри Темур 1-тоба, кўчаси, 2-йи.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Б. Насимбов
Саҳифалочи — И. Болтав

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада иннернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборат агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.

«Шарқ» науриёт-матбаа акциздорлик компанияси босмахонасида чон этилди